



9 январ, душанба куни Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ)нинг юқори мартабали зобитлари иштирокида ўтказилган мажлисда, ўзбек махсус хизматлари раиси Рустам Иноятов “саломатлиги ёмонлашганлиги муносабати билан” ўзининг истеъфога чиққанини айтган. Ўз нутқи давомида Иноятов “Хавфсизлик хизмати ва унинг кейинги раҳбарини, марҳум Ёслом Абдуғаниевич даврида бўлгани каби, оғир кунлар кутаяпти” дея таъкидлаган. Шундай қилиб...

Иноятовнинг МХХ юқори мартабали зобитлари олдидаги нутқи ҳақида



УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: МХХ РАИСИ РУСТАМ ИНОЯТОВ ИСТЕЪФО БЕРДИ

“Хавфсизлик хизмати фаолиятининг тубдан тузилмавий ва бошқа ўзгаришларга дуч келиши кутилмоқда. Биринчи ўринда бу ўзгаришлар МХХнинг алоҳида тузилмалари, айниқса иқтисодий ва валюта жиноятлари билан шуғулланувчи, ва бошқа ходимларига яратиб берилган имтиёзларга тегишли бўлади. Шунингдек ходимлар сони қисқартирилиб, ойлик маошлар ҳам камайтирилиши мумкин”, – деган Рустам Иноятов. Унинг айтишича Хавфсизлик хизмати ходимларига, мамлакат янги раҳбарияти томонидан яратилаётган янги шароитларда осон бўлмайди.

“Эртага мен яна бир маротаба мамлакат раҳбари олдида кираман ва ундан яна бир бора биз 25 йил давомида яратган нарсани синдирмаслигини сўрайман. Лекин уни бу фикрдан қайтара олишимга ишончим комил эмас”, – дея таъкидлаган Рустам Иноятов.

Ўз бошлиқларининг нутқини кўпчилик ўзбек “чекистлари” яқинлашиб келаётган таҳдиддан огоҳлантириш сифатида баҳолашган. Мажлисдан сўнг улар бошлиқларининг нутқини ўз гуруҳлари ичида муҳокама қила бошлашган. Иноятов

тарafdорлари Хавфсизлик хизмати ҳозирги имтиёзлар ва шарт-шароитларини йўқотмаслигини исташмоқда. Иноятовнинг ушбу хабаридан ҳаммадан кўра МХХнинг Ўзбекистон ичида ва чет элларда сохта шахслар номига расмийлаштирилган катта бизнес тузилмаларига эгалик қиладиган раҳбарлари ташвишга тушишган. Кутилаётган ўзгаришлардан фақатгина ўзбек “контораси”нинг бизнес имтиёзларига эга бўлмаган, “чекистлар”дан иборат гуруҳигина кўркмаяпти.

Эртаси куни, 10 январ, сешанба куни Рустам Иноятов мамлакат президенти Шавкат Мирзиёевдан уни қабул қилишини сўраган. Шундай қилиб...

Иноятовнинг Мирзиёев билан учрашуви ҳақида

Ушбу учрашувда Рустам Иноятов мамлакат президентида саломатлиги ёмонлашаётганлиги сабабли ишдан бўшаш ҳақидаги аризасини тезроқ имзолашини сўраган. “Кундан-кун аҳволим ёмонлашиб бормоқда. Сиздан тезроқ аризамни имзолашингизни сўрайман. Кеча мен ўз хизматимга ишдан кетаётганимни маълум қилдим. Хавфсизлик хизмати

ишчиларига мен аллақачон расман раҳбарман холос, ҳақиқий эмас”, – деган иноятов Мирзиёев билан суҳбатда. Аммо мамлакат президенти Рустам Иноятовдан “ушбу лавозимга ворис топилгунга қадар кутиб туриш”ни сўраган.

Шунда МХХ раиси кутиб туришга ва ишни давом эттиришга рози бўлган, аммо ўзининг “нафақага чиқиш шартлари”ни кўйган. Биринчидан, президентдан расмий тартибда (махсус президент фармонини қабул қилиш йўли билан) унга шахсий ва оила дахлсизлигини таъминлашини сўраган. Иккинчидан, бюджетдан молиялаштириш ҳисобига амалдаги МХХ раисининг шахсий ва оилавий хавфсизлигини таъминлаш учун 10 та қуролланган тансоқчилардан иборат махсус гуруҳ ажратишни сўраган.

“Менинг соқчиларим мен нафақага кетганимдан кейин ҳам хавфсизлик хизматидан маош олишда давом этишларини истайман”, – деган Иноятов. Президентнинг “Нафақага чиқганингиздан кейин сизга бундай катта кўриқлашнинг нима кераги бор?” деган оқилона

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

саволига Иноятлов “хизмат давомида Ўзбекистон ичида ҳам, ташқарисида ҳам ўзимга кўплаб душманлар орттирдим” деб жавоб берган.

Шавкат Мирзиёев Иноятлов ва унинг оиласига расмий дахлсизликни беришга рози бўлган, лекин тансоқчиларни бюджетдан молиялаштиришга рози бўлмаган. “Рустам Расулович, ўз тансоқчиларингиз учун давлат бюджетидан маош талаб қилиш учун сиз камбағал одам эмассиз. Сизнинг ҳолатингиз 10 эмас, 10 мингта шундай соқчиларни таъминлаш учун ҳам етарли”, – дея таъкидлаган президент.

Бундан норози бўлган Иноятлов Мирзиёевнинг мамлакат МХХсига нисбатан хатти-харакатлари борасида ўзининг танқидий қарашларини очиқ айта бошлаган. “Шавкат Миромонович, сиз мустақилликнинг 25 йили давомида Хавфсизлик хизмати яратган барча нарсани бузиб ташлаясиз. Сиз “чеккистлар”нинг катта бизнесдан кетишларини хоҳлаясиз. Лекин бизнесда бўлиш ордан улар қимматли маълумотларга эга бўлишадива “контора”нинг алоҳида ҳаражатларини қоплашади”, – деб эътироз билдирган Иноятлов. Унинг фикрича, “конторачилар”нинг катта бизнесдан сиқиб чиқарилиши оқибатида олигархлар Хавфсизлик хизматидан, ва умуман давлатдан ҳам кўрқмай кўйишади. “Охир оқибат, сизнинг ўзингизга уларни бошқариш қийин бўлади. Натижада бутун мамлакат бошқариб бўлмайдиган бўлиб қолади”, – деб таъкидлаган Иноятлов.

Шавкат Мирзиёев ўзбек махсус хизмати бошлигининг гапларидан умуман кўрқгани йўқ. “Олигархлар ва уларнинг жинойтлари ҳақида

маълумот олиш учун, менимча, “чеккист” ҳам шундай олигарх бўлиши шарт эмас. Масалан, олигарх қўлида оддий қоровул бўлиб ишлаб ҳам керакли маълумотларни олиш мумкин, КГБ даврида бўлгани каби”, – деган унга жавобан Мирзиёев. У Иноятловга тўғридан-тўғри, МХХ раиси ўзининг бундай чиройли кўндиришлари билан Хавфсизлик хизмати фаолиятини эмас, балки бизнес-тузилма фаолиятини ва ундан олинган ақл бовар қилмас даромадни ҳимоя қилишга уринаётганини айтган.

“Агарда “чеккист”-бизнесменлар ўз даромадларининг бир қисмини МХХ амалиётларини амалга оширишга сарфлаганда эди, сизнинг Хавфсизлик хизматингиз Муҳаммад Солиҳга суиқасд уюштиришни амалга ошириш учун Гофур Раҳимовдан икки миллион доллар тиланчилик қилиб олиб ўтирмас эди”, – деб таъкидлаган Ўзбекистон президенти ва ўзбек махсус хизмати раисига “Эрк” демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ Ҳаракати лидери Муҳаммад Солиҳга нисбатан муваффақиятсиз суиқасд уринишини (2001 й.)* эслатиб қўйган.

Мамлакат президенти шунингдек ўзбек махсус хизматларининг “кам танилган имом ва илоҳиётчилар”га нисбатан ўзбошимча суиқасдларини кескин танқид остига олган. “Мен биламан, на сиз, ва на сизнинг хизматингиздан бошқа бири бу одамларни ўлдириш учун малакатнинг аввалги раҳбаридан рухсат сўрамагансизлар. Истанбулда Бухорийни ўлдиришнинг нима кераги бор эди? Швецияда Обид қорига суиқасд қилишнинг нима кераги бор эди? Бундан мамлакат нима қозонди? Ҳеч нарса? Бундан фақат сиз ва сизнинг хизматингиз

қозонди. Бундай қотилликлар ва суиқасдлар билан Хавфсизлик хизмати Ислом Каримовнинг кайфиятини кўтарар эди. Кейин эса сиз ва сизнинг хизматингиз Ислом Абдуғаниевичдан Ўзбекистонда ва чет элда янада каттароқ бизнес ишларга рухсат олишга муваффақ бўлар эдингиз. Қисқа қилиб айтаман: бу қотилликлар сиз ва “контора” учун оддий бизнес эди холос”, – деган Шавкат Мирзиёев.

Сухбат сўнгида Шавкат Мирзиёев Иноятловга МХХ раислигига мос келадиган кишини топганидек унинг аризасини имзолашга сўз берган. Шундай қилиб...

Хулоса

Рустам Иноятловнинг ишдан бўшагани маълум. Бу фактга расмий тус бериш учун фақатгина унинг шу ҳақдаги аризасини имзолаш қолди. Кейинги мақолаларимизда ўқувчиларимизга Шавкат Мирзиёевга МХХ раиси лавозимига таклиф қилинаётган номзодлар ҳақида хабар беришга ҳаракат қиламиз.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сиёсатшунос
14.01.2017

**Норвегия ҳукумати ва Солиҳнинг дўстларининг саъй ҳаракатлари билан 2001 йилда Муҳаммад Солиҳнинг ҳаётига суиқасд уруниши олди олинган эди. Суиқасд бевосита Ички Ишлар вазирлигининг терроризмга қарши бўлими бошлиғи полковник Ботир Турсунов ва Интерполнинг ўзбек бўлими директори полковник Маҳмуд Хаитовлар томонидан тайёрланган. Ушбу воқеа халқаро матбуот воситаларида кенг ёритилган. (Маълумот википедия саҳифасидан олинди)*

Масалан, неча йилдан бери мамлакатда чироқ йўқ, қоронғида ўтирибмиз деб нолиймиз, йиғлаймиз. Лекин ақлий танбаллигимиздан шунча йил ичида чироқ ўрнини босадиган ёки умуман симда оқиб келадиган қувватга эҳтиёж қолдирмайдиган бир нарсани ўйлаб топмадик!

Ҳолбуки, йўқчилик эҳтиёжни заруратга айлантиради, зарурат эса, мантиқ бўйича, одамларнинг ақлини кашфиётга элтиши керак

Кўргиликларимизга фикрий танбаллигимиз сабаб

эди. Бизда бундай бўлмапти.

Ўрнимизда бир хитойлик бўлганида аллақачон тўртта қалин қоғоздан ўзи чиқарадиган токка ўзи айланадиган битта паррак ясаб олиб, уйини ёритиб ўтирган бўларди.

Демак, мамлакат ўн йиллардан

бўён қоронғида қолиб кетганига айланиб-ўгирилиб келиб ўзимиз айблизмиз!

Ақлни ишлатмаяпмиз. Кучимизни, ғайратимизни мияга бермай, кўзимиздан чиқариб юборяпмиз...

*("Нафсимга ўғитлар"
туркумидан)*

Нуруллоҳ Муҳаммад
Рауфхон
Манба: facebook.com



Ўзбекистонда Ҳаж ва Умра сафарига аввал борганлар бу йилдан бошлаб у ерга энди боролмайди

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, Ўзбекистонда Ҳаж ва Умра сафарига аввал борганлар 2017 йилдан бошлаб у ерга энди боролмайди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг Ҳаж ва Умра сафарларини ташкиллаштиришга масъул ходими Саидакмалхон Шокиров "Озодлик" радиоси мухбири билан сўхбатда 2017 йилдан бошлаб Умра ва Ҳаж сафарига фақат илгари ушбу амалларни бажармаган фуқароларни юбориш тартиби жорий қилинганини айтган.

- Ҳаж ва Умра тадбирларини ташкил этиш бўйича жамоатчилик кенгаши 15 декабрда қарор чиқарган. Шу қарорда "2017 йилдан бошлаб Умра ва Ҳаж сафарига фақат илгари ушбу амалларни бажармаган фуқароларни юбориш тартиби жорий қилинсин", дейилган. Демак, олдин борган, ундан аввалги йил ёки ўн йил олдин борганлар энди боролмайди. Шунинг учун олдин Ҳаж, Умрага бориб келган одамни навбати келиб қолган бўлса уларга Сиз тўхтаб туринг умуман бормаган одам борсин, деб тушунтириляпти, - деган Саидакмалхон Шокиров.

Ҳаж ва Умра тадбирларини ташкил этиш бўйича жамоатчилик кенгаши Ўзбекистоннинг Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш, кириш ва фуқаролик бошқармаси, Дин ишлар қўмитаси, Мусулмонлар идораси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маҳалла ва Нуроний жамғармалари ҳамда Ўзбекистон ҳаво йўллари ширкатлари бошлиқларидан ташкил топган тузилмадир.

Ҳаж ва Умра сафарларини уюштириш тартиби ҳақида шу тузилма қарор беради.

Саидакмалхон Шокировнинг айтишича, Ҳаж ва Умра сафарларини уюштириш ишларига масъул ҳукумат мулозимлари ва хизмат сафари бўйича Макка ва Мадинага борадиган ишчи ходимларига бу тартиб таалуқли эмас.

- Ҳар сафар Умра ва Ҳажга боровчиларга саккизта ошпаз, ўттизта доктор ҳамроҳлик қилади.

Уларга янги тартиб таалули бўлмайди. Чунки улар ҳар сафар боришларига тўғри келади, - деди Саидакмалхон Шокиров.

Ҳукуматнинг айти қарори бўйича ўзбекистонликлар турлича фикр билдирмоқда.

Хоразмлик Ҳожи она Жумагул опа буни "адолатли қарор" деб

ҳисоблашини айтди.

- Жуда тўғри қилибди. Ҳозир Умра ёки Ҳажга бормоқчи бўлганлар жуда кўп. Аввал бормаганларга йўл очиш керак. Мени ўзим ҳам олдин Ҳажга борганман. Бир марта бордим, энди бошқалар борсин, - дейди Жумагул опа.

Тошкентнинг Учтепа тумани, Ўрикзор маҳалласида яшовчи Шоира Саидбекова бу қарорни "мантисиз" деб ҳисоблайди.

- Гап шундаки у ерга бормаганлар озчиликни ташкил қилади. Бундан ташқари умуман бормаганларни чўнтаги кўтармайди. Масалан мен 2013 йилда Умрага навбатга ёзилган эдим. Бу йил навбатим келди. Олдин борганим учун мени ўрнимга олдин бормаган одамни топиш учун маҳалладан одам қидиришди. Кўпчилиги, пулимиз йўқ, боролмаймиз, деди. Мени пулим бор юборишмайди, бормаганларни пули йўқ боролмайди. Бу мантисизликку, - дейди Шоира Саидбекова.

Умра - Саудия Арабистонининг Макка ва Мадина шаҳарларига зиёратдир ва бу мусулмонлар учун суннат амали ҳисобланади.

Ҳаж ва Умра тадбирларини ташкил этиш бўйича жамоатчилик кенгаши Умрага боришни хоҳловчилар сони кўп бўлгани боис Ўзбекистонда йилига икки марта – баҳор ва куз фаслида Умрага сафар уюштиради.

Дин ишлари бўйича қўмитанинг Ҳаж ва Умра сафарларини ташкиллаштиришга масъул бўлган мулозими Саидакмалхон Шокировнинг айтишича, бу йил ҳам 6000 ўзбекистонлик учун Умра сафарига квота ажратилган.

- Шундан 5350таси баҳор мавсумида, 650таси Рамазон пайти боради, - деди Шокиров.

Умрага боровчиларни рўйхатга олиш ишлари эса 12 январидан 25 январига қадар давом этади.

Умрага боровчиларнинг биринчи гуруҳи келаси ой ўрталаридан Саудия Арабистонига йўл олишади.

Ўзини картошка билан таъминлаётган «қудратли давлат»

Ўзбек газеталари нималарни ёзмақда?

Ҳар нарсадан ҳикмат излайдиган халқимиз. Аввалги президентнинг ҳар бир гапидан ҳикмат излайвериби чарчамаган эканмиз шекилли, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори ҳам «XXI аср» газетасидаги (12.01) чиқишида янги давлат раҳбарининг «2017 йилни Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб номлашида ўзига хос ҳикмат бор»лигини кўрибди.

Профессорнинг мақоласи президентнинг бирор учрашуви, маърузаси ёки фармонига муносабат билдириш анъанасининг намунаси бўлиб, давлат раҳбарининг илм-фан намоёндалари билан учрашуви ортидан чоп этилган.

Олим гапни узоқдан бошлаган. «Бундан қарийб 26 йил аввал аҳолисини биргина картошка билан таъминлашга имкони бўлмаган бир қолақ республика ... дунё миқёсида ривожланишининг «Ўзбек модели» билан эътироф этилган қудратли давлатга айланди», дейди муаллиф.

У ёки атайин ёлғон ёзган, ёки кейинги вақтларда бозор ораламаган. Агар бозорга борганида бу «қудратли давлат»нинг фуқаролари ҳукуматнинг зўри билан арзонлаштирилган нарҳда сотилаётган картошкага қатор-қатор навбатда турганини кўрган бўларди.

Шундан сўнг профессор мамлакатимиздаги таълим тизимининг «замон талабларига жавоб берадиган» шарт-шароитлари ҳақида лоф уришга ўтади ва буни қиёслаш учун: «... ҳозирги кунда ривожланган давлат деб айтиладиган ўлкаларда 12 йиллик бепул мажбурий таълимга эришилгани йўқ, ақалли 5 йиллик мажбурий таълимни таъминлашга давлатнинг қурби етмаяпти», деб ёзади.


Албатта, мақталаётган таълим тизимида болалар металллом, мақалатура йиғиш, пахта теримига жалб этилиши ҳақида олим ҳеч нарса демайди.

«Қоровулбозор рақобатга тайёр», дея жар солди шу газета орқали Қоровулбозордаги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи цех бошлиғи.

Бензин тақчил бўлиб, Тошкентдан бошқа жойлар эркин ёқилғи савдоси ҳақида унутганига анча йиллар бўлган, чиқарган бензини ҳам ифлослиги сабабли машина моторини чийиллатиб юборадиган завод ким билан рақобат қилмоқчи, деб ўйланиб қолади киши.

Баҳодир Шариф

Ўзбекистонлик газетхон таҳаллуси
Манба: Eltuz.com



УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: МИРЗИЁЕВ ВА МХХ ЎРТАСИДАГИ ЎСИБ БОРАЁТГАН ЗИДДИЯТЛАР ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев ва Рустам Инояттов бошчилигидаги Миллий Хавфсизлик Хизмати ўртасидаги муносабатлар манфий тарзда ривожланиб бормоқда. Буни англаш учун Ўзбекистон раҳбари ва махсус хизмат раиси ўртасида сўнги ой давомида бўлиб ўтган суҳбатлар мазмуни ва хронологиясига назар ташлаш етарли. Шундай қилиб...

Президентнинг ПХХ хизматларини рад қилиши, ёки хаммаси нимадан бошланган эди?

Мамлакат Сенати Мирзиёевни вақтинча Ўзбекистон президенти вазифасини бажарувчи сифатида тайинлаганидан сўнг, давлатнинг вақтинчалик раҳбари зудлик билан, ходимларининг кўпчилиги қисми Республика МХХсига бўйсунувчи “Қалқон” куролли бирликларининг аскарлари бўлган, Президент Хавфсизлиги Хизмати (ПХХ) хизматларидан воз кечди. Бундан бир ойча ўтиб эса, аниқроғи ўтган йилнинг октябр ойи ўртасида Мирзиёев ПХХдан 200 кишини ишдан бўшатди. Тошкент кўғирчоқ театри олдидаги ва президент девони худудида жойлашган ПХХ казармалари сезиларли даражада бўшаб қолди.

Ўзбекистон Президентлигига сайланганидан сўнг Шавкат Мирзиёев аввалгиларини

эгаллаб турган лавозимларидан олиб янги вилоят ҳокимларини тайинлаш учун мамлакатнинг турли ҳудудларига ташриф буюра бошлади. Ушбу ташрифлар бошланишидан аввал МХХ раиси Рустам Инояттов Мирзиёевга, Ислом Каримов замонидагидек, Тошкент аэропортида икки куч ишлатар идоралари (МХХ ва ИИБ) бошлиқлари иштирокида президентни жамоатчилик олдида сафарга кузатувини ташкил қилишни таклиф қилган. Аммо амалдаги президент бундай хизматдан воз кечган ва ушбу идоралар раҳбарларига “яхшиси ўз оффисларида ўтириб, ўзларининг бевосита мажбуриятлари билан шуғулланишларини” айтган. Президентнинг бундай жавоби махсус хизмат бошлиғи учун умуман қутилмаган бўлган.

Иккинчи қутилмаган ҳолат амалдаги президентнинг МХХ раҳбарияти билан учрашуви давомида, президентнинг Миллий Хавфсизлик Хизматида хизмат гувоҳномаларини бекор қилиб, унинг ўрнига хизмат жетонларини жорий қилиш таклифи бўлган. “Бу жетонлар фақат фавқулодда ҳолатларда фақат прокуратура ходимларигагина кўрсатилиши мумкин бўлади”, - дея таъкидлаган Шавкат Мирзиёев. Ушбу мажлисда Мирзиёев, МХХнинг баъзи виждонсиз ходимлари ўз амалларини суистеъмол қилишини,

натижادا идоранинг обрўсини тушиб кетишини ва одамларда унинг ходимларига нисбатан нафрат уйғонганини айтиб, жудаям газабланган.

“Кечирасизлар-ку, лекин охириги пайтларда МХХ ходимлари ўз гувоҳномаларини кўчадаги пистафурушларга ҳам кўрсата бошлашди. Мен ҳали кичик ва ўрта тадбиркорликка қилинаётган дўқ-пўписалар, кўрқитилаётган тадбиркорлар ҳақида гаширмайман, шундай ишлар натижасида тадбиркорлар СНБни (русчада Служба Национальной Безопасности) Служба Наезда на Богачей (Бойларга ҳужум хизмати) деб атай бошлашган”, деган Мирзиёев. Янги давлат раҳбарининг ҳаяжонли аммо адолатли танқиди,

мажлисга “контора”дан келган қатнашчиларга албатта ёқмаган.

Ўтган йилнинг декабр ойи ўртасида эса Мирзиёев ўз фармони билан МХХнинг Тошкент шаҳар бошқармасидан 150 кишини ишдан бўшатган. Айнан ушбу ҳодиса МХХ раҳбарияти ва ходимлари учун янги президент ушбу тузилмани тубдан ислоҳ қилишга қарор қилгани ҳақидаги сўнги огоҳлантириш эди. Шундай сўнг махсус хизматнинг қудратли бошлиғи “контора” позициясини ҳимоя қилиш боросида ҳаракатларини бошлашга қарор қилди.

Инояттовнинг эски “қўрқинчли эртаклари” – мавжуд бўлмаган террорчилар билан кўрқитиш

Ўзини президент хавфсизлиги борасида қаттиқ қайғурадиган одам сифатида кўрсатмоқчи бўлган Рустам Инояттов, Мирзиёевга “очиклик сиёсатини бошлашга ва махсус хизматлардан воз кечишга ҳали вақтли” эканлиги ҳақида ишора қила бошлади. Бу ерда Инояттовга ҳорижий оммавий ахборот воситаларининг Истанбул тунги клубларидан биридаги терактни Ўзбекистон фуқароси Абдуқодир Машарипов уюштиргани, АҚШда яна мамлакатнинг бир неча фуқаролари ИШИД билан ҳамкорликда айбланиб қўлга олинганлиги ҳақидаги хабарлари

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қўл келди. Шундан сўнг Мирзиёев ўз қароргоҳи ва ҳар кунги қатнов йўналиши хавфсизлигини кучайтирди.

Кейин Рустам Иноятов Мирзиёев билан суҳбатда, гўёки “агарда 27 мамлакатга бирданига виза режими бекор қилинса, Ўзбекистонга саёҳатчилар кўринишида ИШИД аъзолари кириб олишлари мумкин” деган гапи билан кўрқита олган. Ушбу кўндириш ва “кўрқинчли эртақлар” натижасида Шавкат Мирзиёев 22 декабр куни ўзининг 2016 йил 2 декабр кунги, 2017 йилнинг 1 апрелидан 27 мамлакат фуқароларига нисбатан сайёҳлик визаларини бекор қилиш кўзда тутилган фармонига ўзгартириш киритган. Энди ушбу муддат 2021 йилнинг 1 январь кунига кўчирилган.

Охири воқеалар, Ўзбекистон МХХ раҳбари ва унинг “контора”си Мирзиёевни ўзбек халқи кўз ўнгида қанчалик обрўсизлантиришга уринаётганини, янги президентни ўз кўғирчоғига айлантирмақчи эканлигини, утарафидан бошланган кенг миқёсдаги ислохотлар йўлига тўсиқ яратмақчи бўлишаётганини кўрсатмоқда. “Иштаҳаси очилган ислохотчини” жиловлаш бўйича Иноятов ва “контора”нинг режалари фақатгина оғзаки кўрдиришлар ва “кўрқинчли эртақлар” билан чегараланиб қолмайди...

**Вилоят марказларидан
бирида бўлиши керак бўлган
“автоҳалокат” ҳақида**

Шу кунларда Рустам Иноятовнинг ўринбосарларидан бири “Маст такси ҳайдовчиси” амалиётини ишлаб чиқишни ва амалга ошириш ишларини ҳозирлашга бошлаган. Унга кўра Шавкат Мирзиёев вилоят марказларидан бирига ташриф буюрган вақтида “автомобил тўкнашуви” амалга оширилиши кўзда тутилган. Амалиёт давомида сохта такси ҳайдовчисига ўз машинасида Шавкат Мирзиёев автомобилига ёки автокортежга келиб урулиш вазифаси юклатилган бўлади.

Иноятовнинг режасига кўра, ушбу автоҳалокат янги президентнинг ўз хавфсизлиги масаласига бўлган назарини тубдан ўзгартириши керак бўлади. Таҳмин қилинишича, қатор шу каби “ҳалокатлар” ва “ҳодисалар”дан сўнг Мирзиёев ишдан бўшатирилган ПХХ ходимларини қайтаришга мажбур бўлади ва ҳатто, кўпчилик қисми МХХга бўйсунган, аввалги президентни кўриқлаш хизматида мурожаат қилади.

Биз ушбу режа ва амалиётларнинг муваффақиятли амалга оширилишига шубҳа қилмаймиз. Чунки, Иноятовда шу каби “тадбирларни” уюштириш борасида қатта тажриба бор: 1999 йил ва бошқа йиллар

давомида “теракт” деб номланувчи шундай “тадбир”лар ёрдамида у, шундай ҳам кўрқоқ одам бўлган, аввалги президент Ислом Каримовни тўлиқ бошқариб келди. Шундай қилиб...

Хулоса

Президент Мирзиёев ва МХХ раиси Иноятов ўртасидаги зиддиятларнинг ўсиб бориши шуни кўрсатмоқдаки, янги президент ҳали Ўзбекистонда мутлақ ҳокимиятга эга эмас. Сўнгги воқеалар яна шуни кўрсатмоқдаки, куч ишлатар тизимлар, айниқса Каримов даврида мамлакатда ўзига хос сурбетлик лицензиясига эга бўлган МХХ, Шавкат Мирзиёевнинг куч ишлатар тизимларни жиловлаш бўйича ислохотларидан жудаям норози.

Шунинг учун Мирзиёев ўзининг “ислохотлар йўлини” давом этадими ёки ундан воз кечиб Каримовнинг “тинчлик ва барқарорликни сақлаш” йўлига қайтиб, Ислом Каримов каби ёпиқ, кўрқоқ ва бошқариладиган раҳбарга айланадими ҳали номаълум.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
Сиёсатшунос
10.01.2017

Рус тилидан ЎХХ таҳририяти таржимаси
Рус тилидаги мақола манзили
- uzxalgharakati.com/ru

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон биринчи президенти Ислом Каримовнинг тўнғич қизи Гулнора Каримова пул ювганлик айблови бўйича декабр ойида Тошкентда швейцариялик прокурорлар саволларига жавоб берган.

Бу ҳақда Wall Street Journal нашри Каримовнинг адвокати сўзларига таянган ҳолда хабар қилади.

Бу хабар уч йил муқаддам жамоатчилик назаридан ғойиб бўлган Гулнора Каримовнинг қаердалигига оид саволларга ойдинлик киритгандек бўлди.

Каримова Тошкентдаги ҳовлисида уй қамоғида ушлаб турилгани айтилса-да, шу кунгача бу борада ишончли маълумот йўқ эди.

Гулнора Каримова кўп миллионли коррупцион жанжалда гумонланувчи саналса-да, шу пайтгача бу борада очиқ маҳкама ўтказилгани маълум эмас.

Гулнора Каримовнинг сентябрь ойида президент Ислом Каримов дафн маросимида қатнашмагани

**Гулнора Каримова швейцариялик
прокурорлар томонидан сўроқ қилинди**

ҳам унинг қаердалиги ҳақида жавобсиз саволлар туғдирганди.

Бироқ, Wall Street Journal нашрининг ёзишича, 9 ва 10 декабрь кунлари Каримова хоним Ўзбекистон пойтахтида швейцариялик икки прокурор саволига жавоб берган. Швейцария суди томонидан Гулнора Каримовага адвокат этиб тайинланган Gregoire Mangeat ўз миждо билан икки марта юзма-юз гаплашишга муваффақ бўлганини айтган.

“Унинг соғлиғи нисбатан дуруст эди, бироқ хавфсизлиги мутлақо кафолатланган эмас”, деган швейцариялик адвокат. Унга кўра, Г.Каримова Тошкентдаги ҳовлисининг бир қанотида истиқомат қилиб келаяпти. Унинг ташқи дунё билан, шу жумладан, болалари ва ўз адвокатлари билан ҳам алоқа қилиши тақиқланган.

Швейцария прокуратураси

вакиллари Г.Каримова Тошкентда сўроқ қилинганига оид маълумотни тасдиқлаганлар, бироқ бошқа тафсилотларни очикламаганлар. Нашр ўзбек расмийларидан ҳам бу борада маълумот олишга муваффақ бўлолмаган.

Швейцариялик прокурорларнинг Г.Каримова билан учрашишига рухсат этилиши ўзбек расмийлари томонидан ўзгаришлар сари қўйилган қадам ўлароқ баҳоланмоқда. Президент Каримов тириклигида бу каби ҳамкорликка тўсқинлик қилиб келинганди.

Таҳлилчилар фикрича, бу ҳолат янги президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон шаънига доғ туширган ва кўп йиллардан бери чўзилиб келаятган бу можарога чек қўйиш истагини ифодаляётган бўлиши мумкин.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ёхуд бу мамлакатнинг Мирзиёевдан қудратли “МИР”лари ҳам бор...ми?

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев “Халққа кўмагим тегсин” деган умидда виртуал қабулхона очганди. Фуқаролар мазкур виртуал қабулхонага тўғридан-тўғри мурожаат қилишлари учун уч хил имкониятдан фойдаланишлари мумкин эди. Жумладан, Мирзиёев ҳатто компютери бўлмаган, интернетга уланиш илмини билмаган аҳоли қатламига енгиллик яратиш истагида 10-00, ёки (0800) 210-00-00 телефон рақамлари орқали ҳам фуқаролардан тушган ариза, шикоят ва таклифларни



Малоҳат Эшонқулова: Амалдорлар орасида Шавкат Мирмоновичнинг юзларига оёқ қўйиш пойгасига старт берилибди....

қабул қилиш тизимини яратганди.

Тан олиш керак, арзларини эшитадиган одам борлигидан, топилганидан терисига сиғмаган аҳоли беҳад суюнгани рост.

Шу боис ҳам виртуал қабулхонага мурожаат қилувчилар сони кун сайин ошиб бормоқда.

Лекин...

Донишмандлар “Ҳар яхшининг аммоси, ҳар ёмоннинг лекини бор”, яъни, “Ҳар бир яхши амалнинг ёмон томони, ҳар бир ёмон ишнинг қандайдир бир ижобий жиҳати ҳам бўлади” деганларидек, виртуал қабулхона масаласининг битта “ЛЕКИН”и чиқиб қолдики, бу “ЛЕКИН” деганлари Ўзбекистонда илдиз отиб кетган иллат, анчадан буён лў-лўқ қилиб азоб бериб келаётган, мамлакатимиз структураси - салоҳиятини ичдан захарлаётган, емираётган хавфли бир мадда-йирингки, буни айтмасликнинг имкони йўқ.

Худда ана шу биз айтган “ЛЕКИН” томони шундаки, тўғри, виртуал қабулхонага фуқаролар умид, илинж билан арза йўллашмоқда, шикоят қилишмоқда. Бироқ, аксарият аҳолининг бунингдек умидлари кўп ўтмай саробга айланиб қолмоқда.

Нега?

Негаки, таомилга кўра, аҳолидан тушган аризалар “кўриб чиқиш ва қонуний ҳал қилиш” учун тегишлилиги бўйича жойлардаги давлат ташкилотлари, органларининг мутасаддиларига ҳавола қилинмоқда.

Бу табиий. Негаки, халқ 30

миллиондан ортиқ. Мирзиёев эса – биттагина!

Шавкат Мирмоновичнинг биргина ўзлари минглаб шикоятларнинг тақдири билан шахсан ўзлари шуғулланишга улгуришлари амри маҳол: вақт масаласи, рухий ва жисмоний қувват масаласи....

Мутахассислик масаласи... Мамлакатни бошқариш муаммоси.... Виртуал қабулхонага тушган жамики шикоятлар билан Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ўзлари шуғулланадиган бўлишса, у ҳолда суд тизимидаги, прокуратура, Ички ишлар идоралари тизимидаги минглаб “нонхур” мутахассисларнинг, вилоят ва туман ҳокимиятидаги корчолонларнинг, маҳалладаги емхўрларнинг кимга керакки бор? Ҳамма ўз ишини билиб қилгани дуруст эмасми?

Хуллас, виртуал қабулхонага йўлланган минглаб шикоят ва аризалар тегишлилиги бўйича жойлардаги амалдорларга тақдим этилаётганлигига ҳеч бир эътирозимиз йўқ.

Аммо, жойлардаги масъул мансабдор шахслар фуқаро тақдирига, й шикоят тақдирига қандай қарамоқда?

Масъул мансабдорларнинг барчаси ҳам бирдек “Бу шикоят ортидан президентимиз Шавкат Мирмоновичнинг шаъни, ғурури, йигитлик сўзи, ҳамияти ётибди. Одамлар ишониб Мирзиёевга илинж билан ариза йўллаган. Аҳолининг бу умидини пучга

чиқарсак, уларнинг мамлакат президентига бўлган ишончи, умиди, ҳурмати йўқолади, ишончлари сароб бўлади. Ҳар бир аризага масъулият билан ёндашиш мамлакат тақдирини ҳал қилади, президенти Мирзиёев обрусини белгилаб беради” дея ҳар бир шикоятда келтирилган муаммони ижобий ҳал қилиш масаласига виждонан, қонунан, адолат мезонлари асосида ёндашайптмикан?

Мана, ҳамма гап қаерда?

Афсуски, йўқ-да.

Масъул мансабдор шахсларнинг шикоятга бефарқлиги, боқибегамлиги, айрим ҳолларда

таъмагирилиги, порахўрлиги ортидан эса виртуал қабулхонага мурожаат қилган аксарият одамларнинг Шавкат Мирмоновичга бўлган умидлари саробга айланиб қолмоқда.

Келинг, даъвойимиз асосиз бўлиб қолмаслик учун фактларга мурожаат қилайлик:

Мана, масалан, Қашқадарёнинг Чироқчи туманида туғилиб ўсган 4 боланинг отаси 41 ёшли Улуғбек Ирзаев “Зора муаммом ижобий ечим топса” деган илинжда шу йилнинг 24 ноябрь куни тахминан тонги соат 4.00 ларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёевнинг виртуал қабулхонасининг 210-00-00 телефон рақамига кўнғироқ қилди.

Телефон орқали Улуғбекнинг арзини тинглаган виртуал қабулхона ходими “Мурожаатингиз рақамини эслаб қолинг: 7511816” дея маълум қилди.

- Орадан уч кун ўтиб-ўтмай, 29 ноябр куни мени “Виртуал қабулхонага қилган мурожаатингиз хусусида” дея Тошкнет шаҳар Учтепа туман ИИБ Жиноят қидирув бўлимининг Самандар исмли ходими кўнғироқ қилиб (моб. тел: +99891 1360101), чақиртирди. “Бунчалар тез!” деб севиниб кетдим. Оёғимни қўлимга олиб югурдим, - дея ҳикоясини бошлайди биз билан суҳбатда Улуғбек, - Жиноят қидирув бўлими ходими Самандар ўша

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қуннинг ўзидаёқ мендан Виртуал қабулхонага қилган мурожаатим – муаммом хусусида ариза, тушинтириш хати ёздириб олди. Ишни треговга оширган чамаси, орадан 3 кун ўтгач, 1 декбарь куни қўнғироқ қилган Учтепа туман ИИБ тергов бўлимининг ходими Абдулазиз Қаххоров (Моб. тел: +99899 843 44 11), “Виртула қабулхонага қилган мурожаатингиз хусусида бир келиб-кетишингиз керак” деб қувонтириб қолди. Бориб, Учтепа туман тергов бўлими ходими Абдулазиз Қаххоровга ҳам ўз муаммоларим хусусида гапириб батафсил гапириб бердим, ёз-чиш қилдим: Менинг муаммом шундан иборатки, мен Тошкнетдаги “Constant construction” МЧЖда ҳайдовчи бўлиб ишлайман. 2016 йилнинг 26 сентябрь куни кеч соат 21.00 ларда бошлиғимиз - “Constant construction” МЧЖ директори Суюн Раҳмонов менга сотиб олган машинанинг қарзини узишим учун қўмак сифатида ўз номига “Давр” банк томонидан расмийлаштирилган “кооператив” пластик карточкаси ҳисобидаги 12 миллион 700 минг сўмдан фойдаланиб туришим учун берганди.

Сурхондарё вилоятида туғилиб ўсган, 1986 йилда туғилган танишим Тунниева Маҳбуба Абдураззоқовна мендаги пластикда катта миқдорда маблағ борлигини билгач, ишончимга кириб, пластик карточканинг кодини билиб олгач, 27 сентябрь куни эрталаб тахминан соат 9.00 ларда, “Фарҳод” бозори қаршисидаги “Дианс” кафесида ўтирганимизда тамадди қилиш учун буюртма беришга бориб келгунимга қадар, пластикни олиб қочиб кетганди.

Мен Маҳфузахонни 27 сентябрдан то 24 ноябрга қадар, қарйиб икки ой давомида қидирдим. Изламаган жойим қолмади. Топа олмадим. Бу ёқда қарзга олган энгил машинанинг пулини сўрашмоқда эди. Шу сабаб мен аввало “Давр” банкга бордим, “Constant construction” МЧЖ директори Суюн Раҳмонов ўз номига “Давр” банк томонидан расмийлаштирилган “кооператив” пластик карточкаси ҳисобидаги 12 миллион 700 минг сўмни ишлатиб туриш учун менга берганди. Мен уни Маҳфузахон деган танишимга ўғирлашиб қўйдим. С. Раҳмоновнинг номидаги ўша пластик ҳисобидан бирор жойдан пул ечилганмикин?”

деб мурожаат қилгандим, банк ходимлари “Пластик карточка кимнинг номида бўлса, ўша фуқаронинг ўзи келмаса, маълумот бера олмаймиз” дейишди. Шундан кейин мен Учтепа туман ИИБ идорасига бориб, ҳисобида 12 миллион сўмдан ортик маблағи бўлган пластик карточканинг ўғирланганлиги ҳақида оғзаки хабар бердим. Бироқ, яна шу гап: ИИБ ходимлари, “Токи аризани пластик карточка эгаси бермас экан, биз бу иш билан шуғуллана олмаймиз” деб мени ноумид қилиб қайтаришди. Оқибатда, бутунам иложсиз қолгач, 24 ноябрь куни тонг сахар, соат 4.00 ларда Бош вазир Шавкат Мирзиёевнинг виртуал қабулхоналарига қўнғироқ қилиб, шикоят қилишга мажбур бўлгандим.

Мингдан-минг раҳмат, барака топишсин, виртуал қабулхонадагилар арзимни тинглаб, шикоятимни қонуний ҳал қилиш учун ҳозирги вақтинча яшаш жойимга – Учтепа туман ИИБсига юборишган экан. Одам мард бўлиб, тан олиб айтиши керак, шу – Учтепа туман ИИБ ходимлари ҳам ёмон ишлаган эмас. “Шикоят виртуал қабулхонадан тушган, шахсан Мирзиёевнинг назоратида” дея астойдил ишлаганди. ИИБ ходимлари уч кунга қолмай мен икки ойдирки излаб топа олмасдан юрган ўша Сурхондарёлик танишим Маҳфузахонни топиб келишди. Лекин Учтепа туман ИИБ жиноят қидирув бўлимининг ходимларига ҳам, тергов бўлимининг йигитларига ҳам қойил қолдим. Уч кун ичида пластик карточкани олиб қочиб кетган Маҳбузахон пластик ҳисобидаги 12 миллион 700 минг сўмни қайси савдо фирмасида қанча фоиз эвазига нақдлаштириб олганлигига ҳам аниқлик киритишди, яшашсин!

Учтепа туман ИИБ тергов бўлими ходимларининг тезкор қидирув-суриштирув ҳаракатларига кўра, Тунниева Маҳфуза Абдураззоқовна 27 сентябрь куни соат 11.00 да Учтепа тумани худудига қарашли Ўрикзор бозорида жойлашган тадбиркор Маҳмудбек Трудиековга қарашли №239- сонли қурилиш моллари дўкони терминалидан “Constant construction” МЧЖ директори Суюн Раҳмоновга тегишли бўлган ўша мендан ўмариб кетилган “Давр банк” пластик карточкаси ҳисобидаги 12 миллион 700 минг сўм маблағни 25 % (фоиз) эвазига нақдлаштириб олганлиги

аниқланди.

- Мана, ҳаммаси силлиққина кўчибди-ку, унда муаммо нимада? – сўрадим Улуғбекдан.

- Муаммо шундаки, Учтепа туман Солиқ идораси ва Учтепа туман ИИБ ходимлари пластик карточка эгаси бўлмиш диреткоримиз Суюнжонга ва менга “Биз сизнинг пластик карточкангиздан 12 миллион 700 минг сўмни шу йилнинг 27 сентябрь куни соат 11.00 ларда 25 % ҳақ олиш эвазига нақд қилиб берган Ўрикзордаги 239- дўкон хўжайини – тадбиркор Маҳмудбек Турдиековга қарши бора олмаймиз, у кишининг илдизи бакувват экан, орқасида катта-катта одамлари борлиги маълум бўлди, тишимиз уларга ўтмайди. Бу ишни ёпди-ёпди қилмасак бўлмайди. Яхшиси, пластик карточкани ўғирлаб кетган Маҳфуза Тунниева Сизга “Шу 12 миллион 700 минг сўмни тўлаб бераман. Пулни йўқотиб қўйгандим. Икки болам ҳурмати, қарзимни узаман деб қасам ичаман” деган қабилида тилхат ёзиб берсин. Биз Тунниеванинг қарзларини бўлиб-бўлиб тўлаб беришига қафолат берамиз, ўзимиз назорат қиламиз. Бундан бошқа ёрдам бера олмаймиз сизларга”, дея чайналиб қолмоқда. Шундан буён иш олдга кетмай, бир жойда депсиниб турибди. Хуллас, Учтепа туман ИИБ терговчиси Абдулазиз Қаххоров виртуал қабулхонадан аризамни қайтариб олишим тарафтори бўлиб турибди. Айрим одамлар “Виртуал қабулхона ёпилиб қолди” дейишмоқда. Энди дардимни кимга айтишга ҳам ҳайронман?” дейди Улуғбек Ирзаев қуёниб.

Ҳам фуқаро Маҳфуза Туннаевдан, ҳам қонун идоралари томонидан алданиб қолаётган жабирдийда Улуғбек Ирзаевнинг ҳасратларини тингларканман, беихтиёр хаёлимга келган гап шу бўлди: Улуғбек виртуал қабулхонага такроран мурожаат қилмасликларини учун “Мирзиёев бош вазирликдан президентликка кўтарилиб кетди. Шу сабаб виртуал қабулхонаси ёпилди” деб уни осонгина алдаб қўя қолишган. Биринчидан, виртуал қабулхона ҳамон фаолиятда. Қолаверса, хўш, виртуал қабулхона иш фаолиятига яқун ясади, у бошқа энди йўқ ҳам дейлик. Аммо Бош вазирлик лавозимидан президентлик даражасига кўтарилган Шавкат

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Мирзиёев бор-ку, иктидорда-ку! Президент виртуал қабулхонасига умид билан ёзган ҳар бир шикоят тақдирига жавобгар-ку? Шундай эмасми?

Мазкур воқеанинг яна бир қизиқ жиҳати шундаки, пластик картага сотилаётган молларга нақд пулда сотилганидан кўпроқ нарх қўйилиши билан боғлиқ, қолаверса, пластик карта ҳисобидаги маблағни 25-30% ҳақ олиш эвазига “обнал” қилиш билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатлар айти куннинг энг долзарб муаммоларидан бири.

Кўп узокка бормаёлик, шу йилнинг 22 ноябрь куни Ўзбекистон Бош вазирининг собиқ биринчи ўринбосари Рустам Азимовнинг Пластик карта билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мақсадида республикадаги барча раҳбарларга юборган 265-рақамли ҳукумат телеграммасини эслашнинг ўзиёқ масала моҳиятига аниқлик киритади, бизнингча.

“Озодлик” радиоси томонидан нухаси эълон қилинган 265-рақамли мазкур ҳукумат телеграммасида пластик картадаги пулларни устама ҳақ бериш эвазига нақд пулга алмаштириш каби ҳолатларга барҳам бериш талаб этилганидан барчанинг хабари бўлса керак.

2016 йилининг 22 ноябрь куни республиканинг барча идорараҳбарларига йўлланган 265-рақамли ҳукумат телеграммасининг мазмун-моҳиятини “Озодлик” радиоси қуйидагича шарҳлайди:

“... телеграммада “Пластик картани тўлов учун қабул қилишдан бош тортган” ходимлар ва “Пластик карта орқали ҳисоб-китоб қилишда нақд пулга нисбатан 20-25 фоизга қиммат ҳақ талаб қилаётган” шахслар жазоланиши айтилади.

Телеграммада пластик карта “обнали” билан шуғулланаётган ва пластик картага сотиладиган молга қиммат нарх қўйган хўжалик субъектлари текширилиб “прокуратура идораларига тақдим қилиниши” талаб қилинади.

... бу ҳужжатда пластик карта “обнали” билан боғлиқ “салбий ҳолатлар” юз берган ҳудуддаги “раҳбарлар шахсан жавобгарликка тортилиши” таъкидланган.

Озодликка маълум бўлишича республикада пластик карта “обнали” билан боғлиқ вазиятни ўнглаш мақсадида Бош вазир ўринбосари ҳузурида Йиғма

ахборот-таҳлил департаменти иш бошлаган...” (“Озодлик” шарҳи тугади)

Модомики, пластик карталар билан боғлиқ муаммолар юзасидан йўлланган юқоридаги ҳукумат телеграммаси талабига кўра “пластик карта “обнали” билан шуғулланаётган ... хўжалик субъектлари текширилиб “прокуратура идораларига тақдим қилиниши”, ... пластик карта “обнали” билан боғлиқ “салбий ҳолатлар” юз берган ҳудуддаги “раҳбарлар шахсан жавобгарликка тортилиши” таъкидланган экан, нега у ҳолда Учтепа туман ИИБ тергов бўлимининг ёшгина ходими Абдулазиз Қаххоров ҳукумат телеграммаси талабларига ҳурматсизлик қилмоқда?

Айтингчи, шу йилнинг 27 сентябрь куни соат 11.00 да Учтепа тумани ҳудудига қарашли Ўрикзор бозорида жойлашган №239- сонли қурилиш моллари дўкони терминалидан “Constant contruction” МЧЖ директори Суюн Раҳмоновга “Давр банк” томонидан очилган пластик карточкаси ҳисобидаги 12 миллион 700 минг сўм маблағни мутлақо бегона бир шахсга, яъни пластик кратани ўмариб кетган фуқаро Махфуза Абдураззоқовнага 25 % (фоиз) эвазига нақдлаштириб берган “азамат” - тадбиркор Махмудбек Трудибековга нисбатан жиноят иши очилдими? Ўзганинг номидаги пластик карточка ҳисобидаги маблағларни ноқонуний йўллар билан нақдлаштириб, ўзлаштириб олган фирибгарга – Махфуза Туннавагачи? Қонуний чора кўрилдими? Учтепа туман ИИБ ходимлари томонидан Пластик карта ҳисобидаги олғирлар томонидан нақд қилиб олинган 12 миллион 700 минг сўм маблағ ўз соҳибларига қайтариш чоралари кўрилдими?

Бу каби саволларга катта ҳарфлар билан бир оғиз жавоб бериш мумкин: ЙЎҚ!

Нега?

Шавкат Мирзиёевнинг қабулхонасига мурожаат қилган жабрланувчи Улуғбек Ирзаевнинг таъбири билан айтганда, “Учтепа туман ИИБ ходимлари виртуал қабулхонага йўлланган шикоятни “тинчитиш” мақсадида аминистия актини кутаётган экан!”.

Қандоқ яхши!

Ноқонуний йўл тутган тадбиркор Махмудбек Турдибековгага қалқон бўлиш истагида декбарда чиқадиған

аминистия актини кутиш!

Аmmo ниманинг эвазига?

Учтепа туман ИИБ тергов бўлими терговчиси Абдулазиз Қаххоров куруқ раҳматга пластик карта билан боғлиқ жиноятни ҳаспушлашга уринмаётган бўлса керак ҳарҳолда? Ёхуд ёш терговчи мамлакат қонунларини оёқ ости қилишдан, бузишдан эмас, катта маблағни бир уринишда “обнал” қилишга қодир “Ўрикзор” бозоридаги дўкандор А. Қаххоровнинг орқасидаги казозолардан кўрқиб қолдимикин?

Хўш, қонун талабларини бузишга, ҳукумат телеграммаси кўрсатмасига зид ҳаракат қилишга ИИБ терговчисининг қандай ҳадди сиғмоқда? Треговчи .А. Қаххоровнинг ортида ким турибди? Нима сабабдан у кимсан Шавкат Миромоновичнинг виртуал қабулхонасига келган шикоят аризани ёпти-ёпти қилишга сесканмаётир, нима сабабдан Учтепа туман солиқ идораси ходимлари, йиғма ахборот-таҳлил департаменти мутасаддилари пластик карта “обнали” билан боғлиқ бу жиноятга кўз юмишга уринмоқда?

Пластик карта “обнали” билан боғлиқ мазкур муаммони таҳлил қилиш жараёнида яна бир ҳақли савол туғилади: “Учтепа туман солиқ департаменти, Учтепа туман Ички ишлар идораси раҳбарларига, терговчиларига нима кўпроқ муҳимроқ?": “Таъмами, пора эвазига келаётган жарақ-жарақ пулларми, орқасида тиргаги бор казозоларни кўллаб юборишми, ёки эндигина президентлик лавозими ўтирган Шавкат Миромоновичнинг обрусими, ишончими?

Нега энди биргина Учтепа туман ИИБ ходимлари президент Шавкат Мирзиёевнинг юзига оёқ қўйиши, биз, атрофдагилар эса бунингдек ғайриқонуний ҳаракатларни унсиз, лоқайдларча томоша қилиб туришимиз керак? Мамлакат қонунларнинг кучидан, президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳурматидан ҳам коррупция деганлари шунчалар қудратлироқмикин?

Бунингдек мавҳум саволларга жавоб топиш ўйлайманки, нафақат биз учун, балки, барчамиз учун ҳам қизиқ ва ўта муҳим.

Эҳтимол, бу саволларга қонун ижросини назорат қилишга масъул Бош прокуратура аниқ жавоб топишда бизга кўмаклашиб юборар?

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Нима дедингиз?
Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев давлат идораларининг амалдорларига қараб шундай дея хитоб қилган эдилар: «Если народ будет доволен

результатами работы, скажем спасибо, а если наоборот – то извольте освободить руководящее кресло!»

Виртуал қабулхонага мурожаат қилган халқ вакилларида бири Улуғбек Ирсоев гарчи ҳақ бўлса-да, муаммосини ИИБ орқали

ҳал қила олмади, у ички ишлар тизимишидан норози.

Демакки, Учтепа туман ИИБ ходимлари марҳамат қилиб креслосини бўшатиб қўйишлари керак эмасми?

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА
мустақил журналист

Каримовнинг жияни Акбарали Абдуллаев қўлга олинди

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, Киев суди кўп миллионли молиявий товламачиликда айбланиб халқаро қидирувда бўлган Ўзбекистон ватандошини ҳибс қилиш тўғрисида қарор чиқарди. Суд матбуот хизматининг 19 январь куни билдиришича, 33 ёшли шахс Ўзбекистон ҳудудида содир этган жинояти учун полиция томонидан қўлга олинган. Унинг ёнидан Доминикан Республикаси ва Ўзбекистон ватандоши паспортлари топилган.

Киевнинг Соломянский суди матбуот хизмати "Озодлик" радиоси билан суҳбатда қўлга олинган шахс Акбарали Абдуллаев эканини тасдиқлади.

Абдуллаев Ўзбекистоннинг марҳум президентининг беваси Татьяна Каримованинг жиянидир.

У 2014 йилда оғир иқтисодий жиноятларда айбланиб ҳибсга олинган, "Қувасой мафияси" деб ном олган йирик гуруҳ устидан бораётган маҳкама жараёнида жавобгарликка тортилган.

Айрим норасмий манбаларга кўра, Акбарали Абдуллаев шахсан президент буйруғи билан қамоққа олинган.

Интерпол орқали қидирувда бўлган мазкур шахс 91 миллион доллардан кўпроқ маблағни ўзлаштирганликда, 200 минг доллар ва 271 минг еврои яширганликда, жинойий фаолияти давомида 77,4 миллион Швейцария франки ва 200 минг Латвия лати миқдориди даромад топганликда айбланмоқда.

Ҳозирда Абдуллаев Киевдаги Ички ишлар вазирлиги тергов изоляториди ушлаб турилибди. Украина уни Ўзбекистонга топшириш масаласини кўриб чиқмоқда.

Fakty.ua нашри хабарига кўра, Абдуллаев бир неча кун аввал Жуляна шахри аэропорти орқали Украинага кирган.

Киев аэропортида паспорт назоратидан ўтаётганида эса чегарачилар унинг Интерпол орқали қидирувда эканини аниқлашган ва қўлга олишган.

УХХ хабарлар бўлими

Ўзбекистон ҳукумати хорижга чиқиш учун рухсатнома (стикер) расмийлаштириш тартибини бекор қилиш ва ўрнига хорижга чиқиш паспортини жорий этишни режаломоқда. Бу ҳақда ҳукумат порталида эълон



Би-Би-Си: Ўзбекистон чиқиш визасини бекор қилмоқчи

қилинган Ҳаракат дастурининг "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш" бандида айтилган.

Чиқиш визасининг бекор қилиниши учун аниқ муҳлат кўрсатилмаган, аммо айтиладики тадбирни бажариш муддати 2017 йилнинг 3-чораги этиб белгиланган.

Шу тарихи ҳукуматнинг паспорт-виза, хорижга чиқиш ва кириш тизимини такомиллаштириш режаси амалга оширилгани тақдирда, Ўзбекистонда қатор мамлакатларда бўлгани каби, икки паспорт-ички ва хорижга чиқиш паспорти амал қила бошлайди.

Хорижга чиқиш учун паспортнинг қанча муддатга берилиши маълум эмас.

Ҳаракат дастурида ўзгаришлардан кўзланган мақсад, жумладан, "хорижга чикувчи фуқароларга қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини мустаҳкамлаш" экани таъкидланган.

Шунингдек, унда "жисмоний шахслар учун божхона ҳудудига кириб келиш ва уни тарк этиш бўйича "яшил" ва "қизил" йўлак тизимини амалиётга тадбиқ этиш" кўзда тутилган.

Ўзбекистон конституцияси фуқароларнинг мамлакат ичкараси ва ташқарисида эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқини кафолатлашига қарамай, совет давридан қолган

чиқиш визаси амалда сақланиб қолган.

Хорижга чиқишни назорат қилиш тизими мамлакатдаги энг коррупциялашган тизимлардан бири сифатида кўрилади.

Хорижга чиқиш учун стикерлар расман Ички ишлар вазирлигининг бўлинмалари томонидан расмийлаштирилса-да, амалда рухсат Миллий Хавфсизлик Хизмати томонидан берилиши маълум.

Ўзбекистон ҳукумати амалдаги тартибдан сиёсий муҳолифат фаоллари ва ўзгача фикрловчиларни назорат қилиш, уларнинг хорижга чиқишини чеклашда фойдаланиб келган.

"Қора рўйхат"даги фуқароларга "хорижга чиқиши мақсадга мувофиқ эмаслиги" борасидаги раддия хатлари берилади.

Ҳаракат дастуридан англашилишича, бундан буён фуқароларнинг хорижга чиқиши фақат суд қарори асосидагина чекланиши мумкин.

Ўзбекистон ўз фуқароларининг хорижга сафар қилишини чекловчи дунёдаги икки давлатдан бири, собиқ шўро ҳудудидаги ягона давлат ҳисобланади.

Аввалроқ бир гуруҳ ўзбекистонликлар чиқиш визасини бекор қилиш юзасидан интернетда петиция бошлашган, унга минглаб ўзбекистонликлар имзо қўйишган.

Манба: bbc.com/uzbek

Сўнги бир ярим-икки ҳафта ичида Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевга Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ) раислиги лавозимида тайинлаш учун беш кишидан иборат номзодлар такдим этилган. 13 январ, жума куни кечаси президент кўриб чиқиш учун фақатгина учта номзод резюмесини қолдирган. Ушбу мақолада биз ушбу номзодлар ҳақида сўз юритамиз. Шундай қилиб...

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: ЎЗБЕКИСТОН МХХ РАИСЛИГИ ЛАВОЗИМИГА НОМЗОДЛАР ҲАҚИДА

Биринчи номзод – Бахтиёр Ғуломов

63 ёшли Бахтиёр Ғуломов Ўзбекистон МХХсининг истеъфодаги генерал-лейтенантидир. У турли йилларда ўзбек махсус хизматлари раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича давлат маслаҳатчиси бўлиб ишлаган.

Бахтиёр Ғуломов – ўзининг халқи ва мамлакатининг тақдири учун чин дилдан ташвишланадиган, кам учрайдиган жусур, ростгўй, принципиал ва ватанпарвар ўзбек «чекист»ларидан бири. У МХХ раҳбарлари ичида президент Исломо Каримовга «ўзбек муҳолифати ва унинг лидери Муҳаммад Солиҳдан халқ ва давлат душмани образини яратмаслик» таклифини очиқ ва жасорат билан айтган ягона инсондир. Бахтиёр Ғуломов Исломо Каримовни ҳар доим ўзбек муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳ билан ҳамкорлик ва диалог йўлини танлашга кўндиришга уриниб келган.

Бахтиёр Ғуломовнинг принципиал ва жасур инсон эканлиги ҳақида, унинг хавфсизлик масалалари бўйича давлат маслаҳатчиси лавозимида ишлаган вақтида рўй берган қуйидаги воқеага кўра хулоса чиқариш мумкин.

Ўзбекистон Хавфсизлик Кенгашида ташкил этилган мажлис давомида, мамлакат президенти Исломо Каримов ўз одати бўйича мажлис қатнашчиларини сўка бошлаган. Аввалига Каримов жуда кўпол равишда Хавфсизлик кенгаши котибини сўккан, кейин

эса Бахтиёр Ғуломовни ҳам. «Маслаҳатчи эмиш, онангни сени!», - деб айтган бир неча марта Исломо Каримов ўз давлат маслаҳатчисига қарата.

Кайфияти бузилган Ғуломов кўлига қалам ва қоғоз олиб, унга нималардир ёзган ва кейин ўзи ушбу қоғозни Каримовга берган. Унда қуйидаги гаплар ёзилган эди: «Исломо Абдуғаниевич! Ҳозиргина сиз мен ва менинг ака-укаларимни ёлғиз ўстирган, менинг онам

Ушбу хиёнат натижасида Ниёзов ва Ғуломов фарзандлари ажрашишган.

Бир неча ойдан сўнг Ниёзовнинг қизининг ёш жазмани наркотик моддаларни сақлаш айби билан ҳибсга олинган ва 15 йилга қамоққа ҳукм қилинган. Катта эҳтимол билан ушбу жиноят иши аламазда Мухтор Ниёзовнинг буюртмаси билан сохталаштирилган. Аммо, ўз қизининг жазманини қисқа вақт ичида бартараф қилаолган МХХнинг тўртинчи ўринбосари, ахлоқсиз хулқи учун ўз қизини жазолашга қурби етмади.

Учинчи номзод – Аваз ... (биз ҳали ушбу номзоднинг фамилиясини аниқлаштира олмадик)

Учинчи номзод ҳақида бизга фақатгина унинг Бахтиёр Ғуломов ва Мухтор Ниёзовлардан кўра анча ёш эканлиги маълум холос. Бундан ташқари Аваз ... Тошкент Исломо университетининг илк битирувчиларидан бири, ҳамда Россия Федерал Хавфсизлик Хизмати академияси битирувчиси. Унинг бошқа номзодлардан устунлик тарафи шундаки, у Исломо илоҳиётчилиги соҳасидаги билимга эга. Ғуломов ва Ниёзовдан фарқли ўлароқ учинчи номзод юқори унвон ва мукофотларга эга эмас.

Унинг номзоди президент Шавкат Мирзиёевнинг махсус кўрсатмасига асосан топилган. Амалдаги ўзбек президенти мамлакат махсус хизматларини Исломо динини биладиган ва ҳақиқий диний ақидапарастларни оддий мусулмонлардан ажрата оладиган киши бошқаришни жуда ҳам хоҳлайди. Шавкат Мирзиёев диний фаоллар ва умуман оддий мусулмонларга нисбатан қатағонларга барҳам беришни мақсад қилган.

Ушбу нуқтаи назардан учинчи номзод Аваз ... Ўзбекистоннинг янги президенти ниятлари ва манфаатлари учун жуда ҳам мос келиши мумкин. Аммо «чекист»нинг Исломий билимга эга бўлиши, бу «чекист»нинг Исломо ва мусулмонларга қарши курашмайди дегани эмас. Ахир одамларнинг қандай мақсадда диний таълим олишлари маълум эмас: мусулмонларга ёрдам бериш учунми ёки тўсқинлик қилиш учунми.

Бунга ёрқин мисол қилиб – шу каби Исломни жуда яхши тушунган

(Давоми кейинги саҳифада)

ҳақида кўпол гапирдингиз. Агарда сиз оддий одам бўлганингизда, мен ҳам худди шу тарзда оммавий, барчанинг олдида очиқ жавоб берган бўлардим. Аммо сиз – давлат раҳбарисиз. Ва мен ўзимга давлат раҳбарини оммавий тарзда ҳақорат қилишни эп кўролмайман. Шу билан биргаликда онамга нисбатан қилинган ҳақоратни жавобсиз ҳам қолдира олмайман. Шундай экан, Исломо Абдуғаниевич, мен ҳам сизнинг онангизни...!»

Исломо Каримов кулди ва ўз давлат маслаҳатчисининг ёзма мурожаатини ўкиб берди. Кейин эса шундай деди: «Кўрқоқ махлуқлар! Агарда бу ердаги барча амалдорлар шу каби самимий ва жасур бўлишганда эди, мен бемалол нафақага кета олардим ва мамлакат тақдирдан ташвишланмасдим.»

Бизнинг назаримизда Бахтиёр Ғуломов президент Шавкат Мирзиёев томонидан бошланган ислохотлар учун кўпроқ мос келадиган шахс бўлиши мумкин. Истеъфодаги генерал-лейтенант Мирзиёев истаётганидек МХХ ходимларининг профессионал даражасини ҳам оширган бўлар эди.

Иккинчи номзод – Мухтор Ниёзов

Мухтор Ниёзов – МХХ раисининг тўртинчи ўринбосари. Бу ўз қизини МХХ раисининг собиқ биринчи ўринбосари Шухрат Ғуломовнинг ўғлига берган ўша ўринбосардир. Икки куда-раис ўринбосарларининг, Мухтор Ниёзовнинг қизи интернетда танишган йигити билан никоҳсиз алоқалар билан фош бўлиши натижасида жанжаллашиб қолишганига бир йилдан ошди.

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ва шундай «аъло» даражада Ислом ва мусулмонларга қарши курашган МХХ раиси Рустам Иноятовни келтириш мумкин. Ушбу курашдан Рустам Иноятовни ҳатто, Ал-Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти, шунингдек Мисрнинг Ал-Азхор университети битирувчиси бўлган ўғли Шариф Иноятов ҳам тўхтата олмади.

Мусулмонларга ва Исломга қарши катагонларда Ислом «билимдонлари» деб аталувчи кишилар, Исломдан хабари йўқ кишилардан кўра кескин ва янада қатъий ҳаракатларни амалга оширишганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Биз президент Шавкат Мирзиёевнинг яхши ва самимий ниятларининг фақатгина Ислом дини бўйича қуруқ билимлар ва

мусулмонларга қарши курашда қатъийликка дуч келиб қолишини истамаймиз.

Хулоса

Кейинги ҳафтада президент Шавкат Мирзиёев МХХ раислиги бўш лавозимига номзодни аниқлайди. Жуда кам вақт қолди.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сиёсатшинос
15.01.2017

**Ўзбекистонга
визасиз кириш
кечиктирилди**

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев янги фармони билан 27 мамлакат фуқароларига Ўзбекистонга визасиз киришга рухсат бериш борасидаги ўзининг аввалги фармони бекор қилди.

Расмий маълумотга кўра, визанинг бекор қилиниши 2021 йил баҳоригача кечиктирилади.


Президент Мирзиёев ўтган декабрда қабул қилган фармонида биноан жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб 15 мамлакат, ҳамда яна 12 мамлакатнинг ёши 55дан ошган фуқаролари Ўзбекистонга визасиз сафар қилишлари йўлга қўйилиши керак эди.

Янги фармонда айтилишича, визасиз режимни кечиктириш қарорига Ўзбекистондаги туристик соҳани моддий ва техник жиҳатдан ривожлантириш, хорижий сайёҳлар ва мамлакат фуқаролари хавфсизлигини таъминлаш, ҳамда хорижий давлатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадлари сабаб бўлган. 2021 йилгача Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч аэропортларида хорижий сайёҳлар учун очилиши мўлжалланган "яшил даҳлизлар" ва электрон визаларни тадбиқ қилиш қарорлари ҳам кечиктирилади.

Президентнинг аввалги қарорига биноан, 1 апрелидан эътиборан Австралия, Австрия, Буюк Британия, Германия, Дания, Испания, Италия, Канада, Люксембург, Нидерландия, Корея Республикаси, Сингапур, Финляндия, Швейцария ва Япония фуқаролари Ўзбекистонга бир ой муддатга визасиз кела олиши кўзда тутилганди.

Шунингдек, Бельгия, Индонезия, Хитой, Малайзия, АҚШ, Франция, Вьетнам, Исроил, Польша, Венгрия, Португалия ва Чехия фуқаролари агар 55 ёшга тўлган бўлишса, виза олмасдан Ўзбекистонга сафар қила олишига йўл очилиши керак эди.

Манба: bbc.com/uzbek



Қирғизистон мухолифати “соядаги ҳукумат” ташкил қилди

Қирғизистон расмий ҳукумати таркибига кирмай қолган мамлакатдаги таниқли сиёсатчилар “соядаги ҳукумат” ташкил этилганини эълон қилишди.

Қирғизистондаги “Тоza Қирғизистон”, “Ор-Номус”, “Эрк” партиялари раислари Марат Иманкулов, Феликс Кулов ва Турсунбой Бакир ўғли “соядаги ҳукумат”ни ташкил этиш бўйича меморандумни имзолашган.

“Соядаги ҳукумат” демократик воситалардан бири. У ташқи ва ички сиёсат бўйича танқидий фикрларини ва тафсияларини амалдаги ҳукуматга тақдим этади. Шунингдек, ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолар юзасидан “соядаги ҳукумат” ўз дастурларини ишлаб чиқиб, уни жамоатчилик муҳокамасига тақдим этади. “Соядаги ҳукумат”ни конструктив мухолифат, деб номлаш ҳам мумкин. Иккинчидан, жорий йилда ўтадиган президентлик сайлови арафасида норозиликлар тўлқини юзага келиши

мумкин, деган гаплар ҳам бор. Бу каби инқирозли вазият юзага келса, биз амалдаги ҳукуматга ёрдам кўрсатишга тайёرمиз,- дейди Марат Иманкулов

Парламентнинг собиқ депутаты Турсунбой Бакир ўғли эса мамлакатда қандайдир сабаблар билан ҳокимият бўшлиғи юз берса, “соядаги ҳукумат” бу бўшлиқни тўлдиришини маълум қилди.

-Асосий мақсадимиз ўз имкониятларимизни кўрсатишдир. Биз расмий ҳукумат таркиби қандай бўлса, ўшандай ҳукуматни ташкил қиламиз. “Соядаги ҳукумат”да ҳар бир вазир лавозимига камида уч номзод бор. Ўша номзодларни танлов асосида вазирликка тайинлаймиз. Улар “соядаги ҳукумат”да ўз салоҳиятларини ва имкониятларини намойиш этишади. Улар келажакда ташкил этиладиган амалдаги ҳукуматга ҳам аъзо бўлиб қолишлари мумкин, - деди Турсунбой Бакир ўғли.

ЎХХ хабарлар бўлими

“Youtube.com” сайтида
“Атаева Надежда
Криминальное прошлое
Часть 1” (<https://www.youtube.com/watch?v=Bo1DKmwmhgg>)
номли кўп қисмли видео
фильмга

РАДДИЯ

2017 йилнинг 12 январь куни
бир танишим Франция ТВсида
интервьюнгиз берилди,
интернетдан кўришингиз
мумкин, деб қолди.

Видео лавҳани кўриб
хайратга тушдим:
“Youtube.com”да 2016
йилнинг 6 сентябрь куни



Шу сабаб ҳам Атаеванинг
ўтмишини истадим. Атаевлар
ишига оид керакли фактларни
тўплагач, журналист
суриштируви ўтказишга
қарор қилдим. Бу борада илк
интервьюни олганимда ҳали
хаста эдим.... Мен қанчалик
истамай, илк олган интервьюм
Надежда Атаеванинг “жиной
ўтмиши”га олиб бормади....

Журналист сифатида
интервью жараёнида
саволларни турлича беришга
уриндим, масалани Атаевага
олиб бориб тақашга интилдим,
ўзимга керакли жавобларни
эшитишга, яъни Атаеванинг

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА: Инсон тубанлигининг чегараси борми?

эълон қилинган “Атаева
Надежда Криминальное
прошлое Часть 1” деган сарлавҳа
остидаги видео фильм турибди.
(<https://www.youtube.com/watch?v=Bo1DKmwmhgg>).

4-қисмдан иборат мазкур
видео фильм “Ушбу ҳужжатли
фильм ... журналист Малоҳат
Эшонқуловалар томонидан олиб
борилган мустақил журналистик
суриштирувлар асосида тасвирга
олинди” деган ёзувлар билан
бошланган.

Ўз номидан эълон қилинган
ушбу ҳужжатли фильмдан ўзим
эндигина, аниқроғи, орадан 5 ой
ўтиб хабар топдим.

Юқоридаги видеосюжетга
менинг мутлақо алоқам йўқ.

Менинг мутлақо даҳлим
бўлмаган бунингдек руё гапни,
яъни “... журналист Малоҳат
Эшонқуловалар томонидан олиб
борилган мустақил журналистик
суриштирувлар асосида тасвирга
олинди” деган мутлақо ёлғон
жумлаларни ёзишга, менга
нисбатан бўхтон уюштиришга,
менинг номидан фойдаланишга
кимнинг ҳадди сизди?

“Facebook” чатидан youtube.com
даги мазкур ҳужжатли фильмга
бошловчилик қилган инсон
ҳуқуқлари фаоли, фарғоналик
укамиз Баҳодир Элибоевга:
“Оммага бунингдек ёлғон гапни
тарқатишга қандай журъат
этдингиз?” деб сўрадим.

“Ишонинг, Худо ҳақи, хабарим
йўқ” деди Баҳодир Элибоев.

Гарчи ҳаммуаллиф бўлмасам-
да бу видео фильмга каминанинг

исм-шарифи қандай аралашиб
қолганининг сабаби қуйидагича:

2014 йилнинг тахминан апрель
ойларида Франциядаги “Марказий
Осиёда инсон ҳуқуқлари
ташқилоти” раҳбари Надежда
Атаева интернет орқали “Каримов
ҳуқумати Эшонқуловага заҳмат
етказган эмас. Уни заҳарлаш кимга
керак бўлиб қолибди. Эшонқулова
бетоб эмас, у шу баҳона билан
ҳорижга қочиб кетмоқчи” деган
мазмундаги иддаолар билан баёнот
берганди.

Атаеванинг баёнотидан дарғазаб
бўлиб юрган ўша кезларимда
ҳуқуқбон Муътабар Тожибоевадан
менга битта таклиф, аниқроғи,
буюртма тушди: “Надежда
Атаеванинг жиноий ўтмиши ҳақида
битта фильм яратинг, фактлар
топишда қўмақлашаман”.

Муътабар Тожибоева
Атаеваларнинг молиявий
жиноятларига оид 20 саҳифадан
ортиқ суд ҳукмини ҳам эл. почта
орқали ҳавола қилди. Тошкент
шаҳрида Атаевага тегишли
бўлган бир нечта уй-жойларнинг
манзилларини, зарурий фактларни
ҳам юборди.

Тожибоеванинг таклифи
менга дастлаб маъқул бўлди.
Негаки, менга қарага айтилган
асоссиз таъна муаллифи Надежда
Атаеванинг ўтмишини титқилаб
кўриш мен учун қизиқарли эди.

Мен Ўзбекистонда истиқомат
қилган кезларида ҳам, ундан кейин
ҳам Атаевани танимаганман,
кўрмаганман, у аёл ҳақида
бирор бир маълумотга эга ҳам
бўлмаганман.

қирдикорларини фoш этувчи
фактларни олишга ошиқдим,
барибир бўлмади.

Бу билан мен Атаеванинг
жиной ўтмиши йўқ демоқчи
эмасман. Шунчаки, борми,
йўқми, мен буни билмайман,
аниқлик киритмаганман, кирита
олмаганман. Муътабар Тожибоева
кўлимга интернет орқали тутқазган
Атаевларнинг молиявий жиноятига
оид 20 варақдан иборат суд ҳукмида
уларнинг молиявий қинғирликлари
батафсил баён этилган. Бирок,
мен Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ
тизимидан хабари бор журналист
сифатида суд ҳукмига кўр-кўрона
ишона олмайман, буни сизга ҳам,
ўзгага ҳам маслаҳат бермаган
бўлардим.

Шундан сўнг, мен Атаевларнинг
“жиной ўтмиши”га оид ҳужжатли
фильм қилиш фикридан воз кечдим.
Бу 2014 йилнинг баҳори эди.

Орадан бир йил ўтгач,
фарғоналик ҳуқуқбон Баҳодир
Элибоевдан менга “Facebook”
тармоғининг чати орқали айна
мавзуда таклиф келиб қолди:

04.04.2015 9:30

Bahodirkhon Eliboyev

**Assalomu alaykum opa! Mir-
zanosir akaning ishlari mening
qo'limda. lekin bu ishni bir o'zim
eplolmayman. Shuning uchun bir
nechta xalqaro jurnalistlarni va
huquqbonlarni chorlayapman. Siz-
ga chiqayotganimning sababi esa bu
ishda grnt olish ham mumkinligi-
da. balki shu ishni ko'taramz deb
grantga harakat qilarsiz? siz loyiha
rahbari bo'lsangiz ham mayli. lekin**

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

kichik grant emas bu. chunki Rossiya, Qozog'iston va xorijdagi firmalar ishi ham ko'riladi. Bir o'ylab ko'ring. Lekin axborot sotilmaydi, shunchaki birgalikda jurnalistik urishtiruv qilamiz. You tube ga ham TV ga ha chiqarish mumkin.

04.04.2015 22:48

Bahodirkhon Eliboyev

"... aka menga shu haqda gapirganlarida, Malohat opa andishali ayol, shuning uchun dabdurstdan boshlashlari qiyin. Lekin bunday paytda boshqa kimdir tashabbusni olsa yaxshi bo'lardi dedim. Ikkinchi ham ozlik qilamiz dedim. Men xalqaro va mahalliy tanish jurnalistlarni zimdan jalb qilaman. Lekin fronta baribir ikkimiz bo'lamiz opa. ... 100 mingacha grant olsa bo'ladi degan ekan ... akaga. Shundan foydalanib siz grantga topshirsangizchi degandim. Ozodlikdagi tojik ovoz hamkasblar ingliz tiliga tarjima qilib berishimiz mumkin dedi. Qozog'istondagi huquqbonlar bizdan nia yordam deyishdi. Rossiyadagilar ham shunday. Lekin o'ylab ko'rsam o'z-o'zidan bo'ladigan ish emas. Shunga siz bilan hamkorlikda qilsakchi degandim. Toshkentdasiz. Grantga ham imkoniyatingiz bor...." (Matn kiskartirilib, ism-shariflar olib tashlandi).

Музокаралардан сўнг мен ҳамкасб укамизга "Facebook" чатидан шундай жавоб йўладим:

20.07.2015 0:52

Малохат Эшанкулова

Баҳодир, ассалому алайкум, саломатмисиз? ... Баҳодир, аслида, бу фильмни яратаман деб бир пайтлар алам устида мен киришгандим... Бироқ, бора-бора аҳволим оғирлашиб борди... Ўлим билан ҳар куни рўпару бўладиган одам билади: бу дунёси қасдлашишга арзизмайди. Кейин ўйлайсан, ўйлайсан, айбдорни қидирасан ва оқибатда ҳукм чиқарасан: ҳамиша энг асосий гуноҳкор ўзинг бўлиб чиқаверасан... Очиғи, энди мушоҳада қилиб қарасам, Атаева менинг салмоатлигим ҳақида ўз фикрини билдиргани учун айбдор эмас экан.... Мен ҳақимда атрофимдаги одамларда нотўғри фикр шакллангани, демак, мен қаердадир хато кетганман.... Бунинг учун ўз фикрини билдирганларни балоларга гирифтор қилишни исташим

инсофдан бўлмас деган хулосага келдим... Ҳозир мен одамларни муҳокама қиладиган, улар тақдирига ҳукм чиқарадиган аҳволда эмасман. Мен ҳозир ўз саломатлигимни тиклаш, қандай бўлмасин тирик қолиш, (лоақал катта қизимни эгасига топширгунимча) кўзлаган режаларимни қисман бўлсаям амалга ошириш дарди билан андармонман. Атаевалар ҳақида салбий фикр билдирсам, Худога ҳам хуш келмас. Яратганининг ўзи билгувчи ва кўргувчи. Мени беҳуда маломат қилганларни, эзгулик истаганларни.... барчасини Худога топширдим. Вақти билан ўз муқофоти ва ё жазосини берар....Мен эса мазкур фильмда МЕНИНГ НОМИМНИ МУТЛАҚО ИШЛАТМАСЛИГИНГИЗНИ СЎРАДИМ. Бундан буёғига Худодан гуноҳларимни кечиришини сўраб ёлвормоқчиман, беайб Парвардигор, бандаларни айблаш, уларга нисбатан ҳукм чиқаришдек аҳмоқликлардан узокроқ юрмоқчиман, укажон. ... Ишларингизга ривож. (Хат қисман кискартирилди)"

Атаевага қарши кишиларни, (мен уларни ўзимча, "АнтиАтаевчилар" дейдиган бўлдим), афтидан, менинг юқоридаги рад жавобим қониқтирмади.

Провардида 2016 йилнинг 8 февраль куни менга "АнтиАтаевчилар"дан тақрор таклиф тушди. Мен эса ҳамкасбимиз Баҳодир Элибоевга қуйидагича жавоб қилдим:

08.02.2016 3:51

Малохат Эшанкулова

Ассалому алайкум, Баҳодир, саломатмисиз? Баҳодир, ... aka "Ўша иқтисодий ўғирликлар билан боғлиқ фильмни ҳаммуаллифликда тугатиб қўйсангизлар" деган таклиф билан келгандилар.... Кўп ўйлаб кўрдим.... Бўлмайди. Мен оғир касалдан Худонинг хоҳиши билан соғайгач "Ҳеч кимга қасдлашмайман, қастона иш қилмайман" деб қарор қилгандим.... Бу фильмни яратишга қўл урганимда Атаевага қастона қўл ургандим... Кейинчалик, аҳволим оғирлашавергач, биласизми, мен нимами истардим: "Қани эди Атаеваларнинг идаолари тўғри бўлганида қани эди! Қани эди мен соппа-соғ бўлсам, ўз оёқларим

билан юролсаму, Дилором опа, Наеждалар мени "Сохта касал" дея оламни бузишса, минг қарра дод дейишсаям розийдим" дея орзулайдиган бўлдим....Бу фильмни ишлашга киришиш балки қасдлашиш саналмайди дерсиз... Аммо мен буни қастона қўл уриш деб ҳисоблайман. Соғайганлигининг шукронаси эвазига барча кўнгилсизликларни унутишга қарор қилганман. Ўзимга-ўзим сўзберганман.Сўзимнингустидан чиқишни истамайман. Шу сабаб илгари сизга ёзган гапим-гап. Бу мавзуга қайтишни истамайман Баҳодир, илтимос, мени тўғри тушуниг. Ёритаман десам, муаммолар қалашиб ётибди. Фильмни яратишда сизга омад. Бироқ, қаттиқ бир илтимос, бу фильмда менинг исм-шарифим, мен олган илк интервью.... мени омма ёдига соладиган ҳеч нарса иштирок этмаслигини истамайман. Мен олган илк интервьюдан фойдаланишингизни таъқиқлайман. Мабодо, ўша аёлнинг интервьюлари керак бўлса, ҳамон борлар, соғлом, интервью беришга қурблари етади, бориб қайта олишингизни илтимос қилиб сўрайман... Тасвирларим, қўлим, овозим,... ҳеч бир кўринишда иштирок этишни истамаган бўлардим.... Илтимос сиздан, кейин ўтлашиб юрмайлик яна... Мени тўғри тушунасиз деган умиддаман. Самимият билан Малохат опангиз."

Гувоҳи бўлганингиздек, мен Атаева ишига оид журналист суриштируви ўтказиш мақсадидан 2014 йилдаёқ воз кечганман.. Мен Атаевага оид фильм яратиш таклифини рад этгач, "АнтиАтаевчилар" бу ишга Баҳодир Элибоевни жалб қилганлар.

Умуман олганда, "АнтиАтаевчилар" кимлар эканлигини жуда яхши биламан. Улар орасида нафақат ҳуқуқбонлар, балки, ҳорижда истиқомат қилаётган юртдошимиз, мен ҳурмат қиладиган ҳамкасбим – бир журналитс ҳам бор. Улар нима сабабдан "АнтиАтаевчилар"га айланиб қолганлигининг сабаби ҳам менга қисман маълум. Бу носоғлом рақобатга Халқаро ташкилотлар томонидан ажратиладиган грантлар, муқофотлар бош сабаб

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

эканлигини ҳам биламан.....

Бирок, худди ана шу “АнтиАтаевачилар” нима сабабдан тубан ишга қўл уринганликларини, менга мутлақо алоқаси бўлмаган қандайдир фильмларини не боисдан менинг номимдан “youtube.com” сайтида эълон қилишга жазм қилганликларини, кенг жамоатчиликни лақиллатишга, алдашга қандай қилиб журъат этганликларини сабабини билмайман, тушуна олмайман.

Менинг номимни ким сотди деган саволимга мазкур “хужжатли фильм”да бошловчилик қилган Баҳодир Элибоевнинг жавоби шундай бўлди:

13.01.2017 20:33

Bahodirkhon Eliboyev

Уни чикармасликка қарор қилганмиз. Кайси сайтда чиқибди? ... мен уна қайтараман бунӣ сайтга мен қо'умеганман. Qaysi saytda chiqqaniniyam bilmadim. Buning nuxasi operatorimuzda, Mirzanosir akada, Mutabar opada bor. Ularga birma bir aloqaga chiqdim, kim chiqardi buni deb. Ular chiqarishmaganini aytishdi. Sudga beradigan bo'lsangiz nimayam derdim. Ixtiyor o'zingizda. Lekin Xudo haqqi men chiqarmaganman... Лекин менинг назаримда мана сайтнинг бошлигини биздан (Мирзаносир ака, мен, Сураат ака ва қолаверса сиздан) розилик олмай туриб сайтга бергани учун судга берсақмикин? Шунда бу видеони унга ким бергани ойдинлашарди.”

Мен бунингдек ёлғон ахборотга қарши раддия беришга мажбурман:

“Youtube.com”да эълон қилинган “Атаева Надежда Криминальное прошлое Часть1” деб аталмиш кўп қисмли хужжатли фильмга менинг ҳеч қандай алоқам йўқ.

Бир ҳовуч иғвогарларнинг иши бу. Тубан қилмишим сирлигича қолади, жавобсиз қолади деб ўйласангиз, адашасиз.

Мен элни эрмак қиладиган, элни эриклайдиган, интернетда ёлғон ахборот тарқатишга журъат этадиган нухсанинг асл қиёфасини суд орқали халққа кўз-кўз қилишга киришаман. Токи ҳеч бир кимса интернет саҳифаларида ўзганинг номини сотиш, оммани алдаш, ёлғон, иғво ахборот тарқатишдек тубан ишга қўл урмасин.

Малоҳат Эшонқулова
мустақил журналист



Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни яхшилаш устивор вазифа бўлиши керак

Қийноқларга барҳам бериш, асосий эркинликлар ҳурмат қилинишини таъминлаш 2016 йилги пахта йиғим-терими мавсумида миллиондан ортиқ киши далага жўнатилди ва оғир шароитларда меҳнат қилди.

Ҳокимият алмашинуви масалаларини ҳал этиш ва ички сиёсатни белгилашда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатини таъминлашга ўта жиддий эътибор қаратиши керак, дея баёноат берди «Хьюман райтс уотч» 12 январда ўзининг 2017 йилги жаҳон ҳисоботи эълон қилиниши муносабати билан.

«Марказий Осиёда инсон ҳуқуқларининг кўпгина жабҳалари инқироз ҳолатидадир, — дейди «Хьюман райтс уотч» ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўйича директори Хью Уильямсон. — Минтақа мамлакатлари раҳбарлари элиталар ўртасидаги курашлар билан овора бўлиш ёки ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ўрнига қатағонларни бас қилишга интилиб, хибсхоналарда қийноқларга барҳам бериш, сўз эркинлигини таъминлаш ва ҳокимиятни танқид қилгани учун қамокқа ташланганларни озод этиш билан шуғулланса,

мақсадга мувофиқ бўларди.

«Хьюман райтс уотч»нинг 687 саҳифалик 27-жаҳон ҳисоботида 90 дан ортиқ мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият таҳлил этилган.

Унда айтилишича, Ўзбекистонда Ислон Каримов даврида бош вазир лавозимини эгаллаб турган Шавкат Мирзиёевнинг ҳокимият тепасига келиши ҳозирча мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ аянчли вазият амалда бир қадар яхшиланишига умид уйғотаётгани йўқ. Ҳокимият ҳали-ҳамон йиғилишлар, фикр билдириш ва дин эркинлигини ўта чеклаган ҳолда фуқароларни оммавий назорат қилмоқда. Сиёсий айблар билан қамалган минглаб одамлар панжара ортида қолмоқда, қийноқлар кенг тарқалган, ҳуқуқ ҳимоячилари, муҳолифатчилар ва журналистлар мунтазам таъқиб-таъйиқларга дучор қилинмоқда. 2016 йилги пахта йиғим-терими мавсумида миллиондан ортиқ киши далага жўнатилди ва оғир шароитларда меҳнат қилди.

Ҳисобот билан рус тилида қуйидаги иловада танишиш мумкин: Всемирный доклад 2016: Узбекистан

Манба: *Eltuz.com*



Янги “дрижёрнинг” янги “намойиши” ёҳуд тасмадаги ўзгаришлар

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда ёки шунга ўхшаш массенжерларда амалдаги ноқонуний тизим раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ўтказган парламент мажлисидан овоз ёки видеопарча тасмалари тарқалапти.

Бунинг бари Ўзбекистонда гўё шаффоф бошқарув олиб бориляпти, деган маънода кўрсатиш учун холос. Бу ўзига хос кўзбўямачилик десак муболага бўлмайди.

Бунга ўхшаш кўзбўямачиликни биз Каримов тизимидан ҳам кўрганмиз. Яъни кўплаб “ўзгаришлар” ва “рақамлар” фақат қоғозда қолиб кетаверган эди. Бир оғиз билан айтганда, фақат “дрижёр” ва “сахна” ўзгарди, лекин “пъеса” ўзгармади.

Холбуки, шунча вақт давомида Каримов “оркестрида” асосий “чолғучи” бўлган зулмкор бирданига демократга айланиб қолиши имконсиз. Зеро, унинг амалга ўтириш жараёнининг ўзи демократия, ёки лоақал ўзлари тузган қонунга бўлган муносабатни ифодаламайдими?

Зулм бир ҳил кўринишда бўлмаслигини кўпчилик унутиб қўйгандек гўё. Чунки, баъзи “зиёлилар” ва уларнинг таъсиридаги оддий халқ Мирзиёевни Каримовга “ўхшамаган” сиёсат олиб борапти деган фикрни илгари суришмоқда.

Афсуски, мана шундай “шукроний”лар таъсирида оддий халқ ҳам саробга ишониб борапти. Бу сароб ортида эса ватандошларни яна номаълум вақтгача “маънавий қуллик” кутиб турибди.

Каримов пайтида бўғилган сиёсий билим ўрнини Мирзиёев даврининг “олқишлаш” гоёси эгаллаб борапти. Халқ олқишлар билан қарши олаётган “ўзгаришлар” амалдаги тизимнинг оёкга туриб олиши учун сиёсий “ўйин” эканидан хабари йўқ.

Аввалги мақолаларда айтиб ўтганимдек, Мирзиёев Каримовникидан ҳам чуқурроқ илдиз отган тоталитар тизимни қуриш билан банд. Бунга оддий мисол сифатида, куёвларини ўзи олиб бораётган сиёсат устунига айлантираётганини кўришимиз мумкин. Содда қилиб тушунтирганда ўзига яқин ва хайрихоҳ бўлган инсонларни мансаб курсисига ўтказиш орқали ўз ҳокимиятининг келажагини таъминлаб берапти.

У Каримовдан фарқли ўларок, ўзи кураётган тизимнинг энг кичик бўғинигача ўз одамларини, халқга намойишқорона ҳолатда “айбдор”лар ўрнига ўтказмоқда. Халқ учун эса аввалги зулмкор ўрнига келаётган раҳбар ҳалоскордек кўриняпти. Албатта, бунинг барчаси у олиб бораётган ахборот пропагандаси ва “зиёли” маддоҳлар ёрдамида. Сўз бошида айтиб ўтган тасмаларимиз ҳам ҳудди ана шу пропаганданинг бир бўлаги холос.

Юқорида айтилган гаплар исботи сифатида шунини айтиб ўтишим керакки, агар Мирзиёев бази маддоҳлар бонг ураётгандек демократик сиёсат тарафдори бўлганда, аввало, у ҳокимиятни куч

билан эгаллаб олмаган, ўзи учун соғлом рақобат бўла оладиган муҳолифатга тўсқинлик қилмаган ва халқга ҳақиқатни англаб етиши учун имкон берган ва ана шундан кейингина барча рақобатчи номзодларни адолатли сайловга чорлаган бўларди.

Бу ўринда, унинг ҳам 1991 йилдаги сайловда сиёсий “отаси” Каримов қилган ўйинни қилмаслиги кафолати сифатида, парламентдан муҳолифатчилар учун тенг ўринлар берилиши, сайловолди ташвиқотларда барчага тенг имконият берилиши, бутун жараён очик шаффоф тарзда, халқро кузатувчилар ҳамкорлигида амалга оширилиши, ҳар бир сайлов участкасида ҳар бир партиянинг ўз вакили иштирок этиши ва ниҳоят сайлов бюлетенларининг санаш жараёни халқга очик кўрсатилиши лозим эди.

Албатта, буларнинг биронтасини ҳам амалдаги тоталитар тизим истамайди, зеро ҳақиқатни англаган халқ олдида ўзлари ҳам жавоб беришларига тўғри келади. Чунки амалдаги тоталитар тизим сафини ашаддий порахўрлар, ўғрилар, зулмкорлар ва мансабпарастлар ташкил қилади.

Шундай экан, биз, эркин фикрли ёшлар, ёш муҳолифатчилар сурункали равишда олиб борилаётган пропаганда “уруши” ва маддоҳлар даъватига қарши соғлом, ҳақиқат ва халқ дардини баён қила оладиган фикрлар билан курашишимиз керак. Улар қоғозда келтираётган далилларга қарши ҳаётдаги реаллик билан жавоб берайлик.

Албатта, бу йўлда биз анча сабрли бўлишимиз талаб этилади. Зеро, биз 74 йиллик иттифок зугуми, 25 йиллик Каримов диктатураси остида бўлган халқга ҳақиқатни, реал ҳаётни секин асталик билан ҳаётини мисоллар билан тушунтиришимиз, халқ дардини нафақат очикчасига баён қила олишимиз балки оптимал ечим топа олишимиз керак бўлади.

Фақатгина шунда халқга ҳақиқатни етказиб бера олишимиз, сафимизни эса теран фикрли ёшлар билан тўлдириб боришимиз, биздан аввалги ва ҳозирги авлод вакиллари истаётгандек жамият кура олишимиз мумкин бўлади.

Абдумалик Солиҳ

Муҳтарам Президент! Сизнинг ғамхўрлигингиз остида кам таъминланган оилалар учун қурилаётган арзонлаштирилган уйлардан бирини кредитга олиш хусусидаги шикоятларим мутлақо ўрганилмади ҳисоб. Чунки охириги шикоятимда асл кам таъминланган оилалар бошланғич бадал тўловини тўлай олмаганлиги сабаб мен каби мазкур уйлардан кредитга олиш имконидан маҳрум бўлиб қолишаётгани таниш-билишлик ортидан бойваччалар сохта кам таъминланган оила ҳужжатларини расмийлаштириб, сотиб олиб ижарага бериб қўйишаётгани ҳақидаги фикрларим киритилган шикоятим мутлақо ўрганилмади ҳам. Ўрганилганида барча олинган уйлар ҳужжатлари кўтарилиб, қонунийлиги ўрганилар эди. Бу уйлар асл эгаларини топмапти! Мен ҳам шулар сафида ногирон ва ёлғиз она сифатида ҳаттоки қонуний руйхатда қўядиган уйимиз йўқлигидан фарзандларим билан дарбадармиз. Шу боис маҳалладан бериладиган ун ва ёғ маҳсулотларини 4 йилдан буён ола олмаимиз. Ажабланарлиси сайловда вақтинча яшаб турган жойимиздан овоз бериш ҳуқуқига эга бўлдик. Шикоят аризаларим ҳам шу манзилда ўрганилиб, ишга жойлаштириш бўйича ҳам вақтинча яшаб турган манзилимизга ташланяпти. Ун ва ёғ маҳсулотларини берилишига келганда, қонуний руйхат талаб қилинмоқда. Узимизга тегишли уйимиз бўлмаса қаердан руйхатдан ўтишимиз мумкин ахир? Уз номи билан кам таъминланган оила бўлсаю, ундай оилага 10-15 миллион даромад қандай мавжуд бўлсин? Мантиқ йўқ-ку бу ҳолатда? Бошланғич бадални ўз-ўзидан ўзига тўқ оила тўлай олади-да! Унда номигагина кам таъминланган оилалар учун дейилишидан на ҳожат? Наҳот бу ҳақда бош қотириш мушкул?

Муҳтарам Президент!
"Ногиронлик нафақам ноҳақ суд қарорига кўра таланиб келиняпти. Менга эса 4 йилдирки вилоятдан мутахассислигимга мос иш берилмайди" қабилдаги шикоятларимэсамутлақоўрганилмай эътиборсиз қолдирилмоқда. Атайлабдан у ёқдан бу ёққа футбол коптогидек улоқтиришиб, мутасаддилар қонуний ечим топишни пайсалга солишаётгани хусусидаги шикоятларимнинг ҳам ҳеч бири ўрганилмаяпти. Ҳали прокурор ҳали бандлик у ташкилотдан бу ташкилотга идорама-идора югуртириб сарсон қилишаётир. Амалий кўмақдан эса дарак йўқ! Мен мутасаддиларнинг бу каби ҳаракатларидан мутлақо норозиман!

Муҳтарам Президент! Мени дори-

Шикоят Аризаси

дармон сотиб олиш имконим ҳам бўлмай ногиронлик ҳолатим янада оғирлашяпти ахир! Нимани ҳисобига яшай ахир? Бир дона булка ноннинг нархи 800 сўм, 1кг шакар 4500 сўм, 1 литр ёғ 10-12 минг сўм бўлиб турган бир пайтда? Сиздан илтимос, менинг топталаётган ҳуқуқларимни тикланишида ва юқоридаги пайсалга солиниб ечими топилмай келинаётган муаммоларимнинг ижобий ечим топишида амалий кўмак беринг. 50 дан ошиб кетди ахир тинимсиз Сизга йўллаётган шикоятларим саноғи!

**Ўзбекистон Республикаси
президенти
вазифасини бажарувчи
Ш.М.Мирзиёевга
Навоий вилояти Кармана
тумани
Каттамачит МФЙда яшовчи
Боймуродова Дилдора
томонидан
Тел(+998913320697)**

ШИКОЯТ АРИЗА

Муҳтарам Шавкат Миромонович! Мен 13 йилдирки 2 гуруҳ ногирони ва ёлғиз онаман. 23 йилдан зиёд тажрибага эга олий маълумотли журналистман. Чунки ногирон бўлиб қолсам-да фаолиятимни бир зум тўхтатмадим. Боқимандачилик кайфияти мендан йироқ бўлди. Мен 2005 йилдан то 2010 йилгача фарзандларим билан биргаликда Навоий шаҳридаги бир хонали торгина ётоқхонада яшадик. 2010 йилда менга шаҳар ҳокимлиги томонидан "Навоийазот" АЖнинг меҳмонхонаси сифатида 1958 йилда қурилиб, хусусийлаштириб берилган 2 қаватли бинонинг очиқ қолган зал қисмидан қўлбола усулида гипсокартондан девор ясаб, ётоқхоналарнинг эскирган ярқси ҳожатхоналари эшикларидан олиб келиб ўрнатиб, мутлақо шароитсиз бир ҳолатдаги бир хонали бошпана қуриб беришди. Шундан сўнг ётоқхонадаги руйхатимизни шу ерга қўчириб келдик. Аммо яшаш шароити йўқлигидан бу бошпанадан деярли фойдалана олмадик. Шу боис 2012 йилдан буён маҳалладан тарқатиладиган ун ва ёғ маҳсулотларимизни ола олмаимиз. 2000 йилда менинг номимга берилган 8 сотихли ер участкаси собиқ турмуш ўртоғим томонидан 2004 йилда мен тўшақда қолиб кетган вақтимда даволатиш учун акам Худойназаров 3.га 400 минг сўмга сотиб юборилган ва акам тиклаган уй-жойга ўзаро келишув асосида руйхатдан ўтмаслик шarti билан келиб яшай бошладик. Қуруқ ернинг ўзини олди-сотди қилиб бўлмаслиги

боис, мазкур уй қурилиб 2009 йилнинг сентябрида менинг номимга кадастр қилиниб, ноябрь ойидаёқ акам Худойназаров 3. билан олди-сотди шартномаси нотариус орқали расмийлаштирилган. Токи акамнинг 2001 йилда туғилган ўғли 18 ёшга етгунига қадар яъни 2019 йилнинг январида ҳовли жиянимнинг номига расмийлаштирилади. Шу келишув билан яшаб келмоқдамиз. 2013 йилда ноҳақ ишдан бўшатиладиган сўнг қарзга ботиб, соғлигимни йўқотиб, фарзандларим оч қолавергач, мазкур бошпанани сотишга мажбур бўлдим. Эҳтиёжимиздан ортганидан чорвачилик қила бошладим. Аммо туман ветеринария хизматининг айби билан қирғин келди. Биргина кичиккина хасаки бўлса-да соғин сигиримиз қолган шундан холос. Очиғи биз уни у эса бизни боқиб келаяпти шу кунгача.

Муҳтарам Шавкат Миромонович! Шу куйи бизни қонуний руйхатда турадиган бошпанамиз қолмади. Шаҳардаги жойимизнинг янги эгалари ўтган йили бизни огоҳлантирмасдан суд орқали бизларни руйхатдан чиқариб ташлашибди.

2015 йилда суд томонидан ноҳақ қўлланилган жарима сабаб мен яшаб турган уйдаги акамга тегишли бўлган буюмлар мусодара қилинган, акам билан орамизга совуқчилик тушиб қолди. Нафақа пулимга ҳам қаратилиб, ҳар ойда 240 минг сўм ярим нафақада яшаб келмоқдамиз. Хуллас, фарзандларим билан яшаш жой учун ҳаракат қилишга шу пайтгача мадорим ҳам етмади. Кучли босим ва ноҳақ тайзиклар соғлигимдан айириб, ишсизлигим эса бизни очликка маҳкум этиб келди ва яна қарзга ботиб ҳам қолдим. Бу вазиятдан чиқиш учун эса сотадиган ҳеч вақоим ҳам қолмади. Биргина соғин сигиримизни бозорда бир ярим миллионга зўрға олиши мумкин. Бу билан эса муаммо ечилмайди.

Муҳтарам Шавкат Миромонович! Сиздан менинг оилавий аҳволим оғирлигини инobatга олган ҳолда, фарзандларим билан бирга қонуний руйхатдан ўтиб яшашимиз учун уй ажратилишида амалий кўмак беришингизни сўрайман. Чунки қонуний руйхатдан ўтиб яшаш жойимиз йўқлигидан 4 йилдирки маҳалладан тарқатиладиган ун ва ёғ маҳсулотлардаги улушимизни олишдан ҳам маҳрумимиз.

Боймуродова Дилдора
29.10.2016 йил

"ERKIN YURT"
интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Муҳаррир: Нурбек Саломов